



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT MUSTAQILLIGINING 25 YILLIGI MUHOSSABATI BILAN ЎЗБЕКИСТОН XALQIGA BAYRAM TABRIGI

Азиз ватандошлар!  
Мамлакатимизнинг кўп асрлик тарихида мутлақо янги саҳифа очган, эл-юртимизни мустабид тузум кишанларидан озод қилиб, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлини очиб берган Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан барчангизни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклайман.

Қадрли дўстлар!  
Барчамизга аёнки, мустақиллик ҳеч қайси халқ, ҳеч қайси миллат тарихида осонлик билан қўлга киритилган эмас. Бу ҳақиқатни чуқур англайдиган халқимиз шу кураш-

да фидойилик кўрсатган, қурбон бўлган ота-боболаримизнинг хотирасини қалбда абадий сақлайди.  
Айни шу кунларда ўзини оқламаган эски тузумдан янги тизимга ўтиш даврини эслар эканмиз, бошимиздан кечирган машаққатли кунлар ва оғир синовлар беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Айниқса, собиқ тузум асоратлари туфайли республикамизда аҳвол нақадар хатарли тус олганини аввало таъминот масаласи бутунлай издан чиқиб, халқимизни боқиш учун бор-йўғи бир ҳафта-ўн кунга етадиган ун захираси қолгани, тартиб-

интизом бўшашиб, турли қўпоровчи ва ғаламис кучлар бош кўтариб, юртимиз деярли жар ёқасига келиб қолгани мисолида тасаввур қилиш қийин эмас.

Ана шундай ўта таҳликали вазиятда ҳам биз ўз танлаган йўлимиздан — мустақиллик йўлидан қайтмадик. Чунки биз яхши тушунардик — ҳаёт-мамо-тимиз ҳал бўлаётган айни шундай дамларда қийинчилик ва тўсиқлар олдида бўш келиш — бу ҳозирги ва келажак авлодлар олдида хиёнат қилиш билан баробар бўлув эди.

(Давоми 2-бетда.)

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакиллари-дан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик, доимий равақ ҳамда фаровонлик каби эзгу истаклар изҳор этилган.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мактубида шундай дейилади:

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг 25 йиллиги билан Сизни самимий муबारакбод этаман.

Мамлакатингиз ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, гуманитар ва бошқа соҳаларда салмоқли ютуқларга эришди. Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори бениҳоя юқоридир.

Дўстлик ва ўзаро ҳурматнинг эзгу анъаналарига таянувчи давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида фаол ривожланиб бормоқда. Ишончим комилки, биз ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорликни бундан буён ҳам

барча йўналишларда мустаҳкамлаб, долзарб халқаро масалаларни ечишда саъй-ҳаракатларимизни самарали равишда мувофиқлаштириб бораверамиз. Бу Россия ва Ўзбекистон халқларининг тўб манфаатларига жавоб беради, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Мухтарам Ислоҳ Абдуғаниевич, Сизга чин қалбдан мустаҳкам соғлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига бахт-саодат ва равақ тилайман.

Эҳтиром ила,  
Владимир ПУТИН,  
Россия Федерацияси  
Президенти

(Давоми 3-бетда.)



## МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИГА ГУЛ ҚЎЙИЛДИ

Халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигини катта кўтариш билан байрам қилмоқда. Бу буюк сана юртодошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишламоқда. Жорий йилда энг удуг, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб «Гўзал ва бетақроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган эзгу гўя асосида нишонланмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан 31 август куни ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу мақсадларимиз рамзи бўлган Муста-

қиллик ва эзгулик монументи пойи-га тантанали равишда гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

(Давоми 3-бетда.)

## Тошкентга «Орзу лайнери» келиб қўнди

«Тошкент» халқаро аэропортида «Boeing-787 Dreamliner» самолёти тақдими бўлиб ўтди

Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон халқига Янги йил табригида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси 2016 йилда «Boeing-787» ҳаво лайнерларининг энг замонавий авлодига мансуб иккита янги самолёт билан таъминланишини айтгани эсимизда. Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами арафасида уларнинг дастлабки мамлакатимизга келди.

Шу муносабат билан «Тошкент» халқаро аэропортида тантанали маросим бўлиб ўтди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тянь, Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқуллод ва мухтор элчиси Памела Спратлен ва бошқалар Ўзбекистонда замонавий моддий-техник база ҳамда юқори ма-лакали мутахассисларга эга фуқа-



ро авиацияси ташкил топгани, ҳаво кемалари парки мунтазам янгиланиб борилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти — ИКАОга аъзо бўлди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси халқаро авиатрашувлар бозорида муносиб ўрин эгаллади.

(Давоми 5-бетда.)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Айни шу пайтларда халқимиз ўзининг қатъияти ва матонатини амалда намойиш этиб, Ўзбекистонимизнинг ёруғ ва буюк келажига ишончини йўқотгани йўқ ва иншоолло, ҳеч қачон йўқотмайди.

Ҳақиқатан ҳам, мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ, аҳволимиз қандай оғир ва хавф-хатарли бўлмасин, ҳар қадамда пайдо бўлаётган тўсиқ ва ғовларни, турли муаммоларни ечиш билан банд бўлишдан қатъиян назар, мамлакатимизнинг бугунги куни ва истиқболга жавоб берадиган, чуқур ўйланган стратегиямиз устида ишимизни тўтатганимиз йўқ.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга эришишда — эркин, демократик давлат қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш, фуқаролик жамиятини барпо этишда, мамлакатимизни тараққий топган давлатлар қаторига кўтариш йўлида шошма-шошарлик ва пала-партиш ишларга йўл қўймадик, жаҳондаги илғор тажрибаларни ўрганиб, лекин кимдандир кўр-кўрона нусха олганимиз йўқ. Бу борада чуқур маънога эга бўлган "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган ғоя асосида эл-юртимизга хос хусусиятлар, шарт-шароитларга мос бўлган, халқаро майдонда "Ўзбек модели" деб тан олинган, узоқни кўзлаган йўлни ўзимизга маъқул тоғдик ва уни амалга оширишга киришдик.

Биз танлаган йўл — машҳур беш принципга асосланган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканини, оғир синновлардан ўтиб, мамлакатимиз ривож учун мустақам замин бўлиб қўлганини ҳаётимизнинг ўзи исботлаб бермоқда. Бунинг тасдиғини мустақилликка эришганимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб энг ўткир ва ҳал қилувчи масала — замон талабига жавоб берадиган янги авлод кадрларини тайёрлаш вазифаси мисолида яққол кузатиш мумкин.

Агарки биз 19 йил олдин эски қолип ва асоратлардан воз кечиб, Кадр-

лар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурини қабул қилиб, таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартирмасак, бунинг учун давлатимиз ва бутун жамоатчилигимизнинг куч ва имкониятларини сафарбар этмасак, бугунги аҳволимиз қай даражада бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ҳеч иккиланмасдан айтишга барча асосларимиз бор — ҳозирги кунда лицей ва коллежларни, олий ўқув юрталарини битириб чиқаётган, ҳаётга янгича қарайдиган минг-минглаб ёшларимиз биз учун, келажакимиз учун тоғдек таянч бўлиб, мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳотларнинг ташаббускори ва ижросисини бўлиб майдонга чиқмоқда.

Ватанимизнинг келажиги ва тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган бундай янги авлодни тарбиялашга қаратилган дастурларни ўз вақтида қабул қилганимиз ва давлат сиёсати даражасига кўтарганимиз янги жамият қуришимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Тарихан қисқа даврда Ўзбекистон илгариги ўзини боқиб, ўзини ҳимоя қилишга қурби етмаган, иқтисодиёти бир-ёқлама ривожланган, пахта яккахокимлиги ҳалокатли тус олиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ғоят ачинарли аҳволга тушиб қолган қолоқ республикадан бугунги кунда тез ва барқарор суръатлар билан тараққий этиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаган, қудратли давлатга айланб бермоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар ўсди, унинг таркибида саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга етди, жаҳон миқёсидаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарама-масдан, ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охириги 11 йил давомида камдан-кам давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда. Айтиш керак, 2016 йилнинг биринчи

ярми яқунлари бўйича ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилда ҳам ўсиш суръатларимиз бундан паст бўлмайди.

Энг муҳими, ўтган давр мобайнида одамларимизнинг саломатлиги мустақамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 76 ёшга узайгани, аҳолиимизнинг сони 2016 йилнинг охиригача 32 миллиондан ошиб кетиши, яъни мустақиллик йилларида халқимиз 12 миллионга кўпайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимизни, эл-юртимизнинг ҳаёт сифати ва фаровонлиги ўсиб бораётганини яққол тасдиқлайди.

Буларнинг барчаси аввало мард ва матонатли халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати эвазига амалга оширилмоқда ва мамлакатимиз ўзининг барқарор ривожланиш суръатлари билан халқаро жамоатчиликни ҳайратда қолдирмоқда.

Муҳтарам юртошлар! Барчамиз яхши тушунамиз — биз эришяётган улкан марра ва натижалар кўзлаган мақсадларимизнинг фақат маълум бир қисмини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган давр, дунё бозорларида ноаниқлик, беқарорлик ва инқироз давом этаётгани, рақобат кучайиб, шафқатсиз тус олаётгани, хомашё нархининг пасайиб бораётгани — бундай ҳолатлар барчамиздан, аввало, раҳбарлик ва етакчи лавозимларда ўтирган шахслардан эски қараш ва ёндашувлардан, иш усулларидан бутунлай воз кечиб, янгича фикрлашни, ишни ташкил қилиш ва бошқарув тизимини замон талаблари даражасига кўтаришни тақозо этмоқда.

Энг аввало, мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация қилиш, унинг рақобатдошлигини ошириш йўлида бошлаган ислоҳотларимизни давом эттириш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва унда давлат иштирокини камайтириш,

хусусий мулкнинг улушини кенгайтириш ва унинг устуворлигини таъминлаш вазифалари ҳал қилувчи ўрин тутиши зарур. Шулар қаторида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес самарасини ошириш, хорижий инвестициялар ҳажминини кўпайтириш, замонавий, юқори технологияларни жорий этиш мақсадида мамлакатимизда яратилган имтиёزلарни янада кенгайтириш вазифалари доимо эътиборимиз марказида туриши даркор.

Бугунги кунда яқин ва узоқ атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб, турли можаро ва қон тўкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи тобора кескинлашиб бораётгани ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва барчамиздан ҳақиқатан ҳам хушёр ва оғоҳ бўлиб яшашни талаб этади.

Вужудга келаётган мана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонимизнинг хавфсизлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, турли бало-қазоларни оstonамизга йўлатмаслик, юртимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар оро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиқдек сақлаш, "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган эзгу даъватни барчамизнинг бурчимиз ва устувор вазифамиз сифатида амалга оширишимиз зарур.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида биз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва пайдо бўлаётган қарама-қаршилик ва зиддиятларни тинч, сиёсий келишувлар йўли билан ечиш тарафдоримиз.

Турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслик, юртимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига ва ҳарбийларимизнинг чегараларимиздан ташқаридаги ҳудудларда бўлишига йўл қўймасликни ўзимиз учун маъқул, деб биламиз.

Биз мустақиллик йилларида яқин ва узоқ кўшнилари билан ўзаро ҳурмат, ўзаро ман-

фаатларни тан олиш асосида олиб бораётган алоқаларимизни, аввало ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустақамлашга ҳаракат қилиб келганимиз ва айни шундай сиёсатни давом эттиришга тайёримиз.

Азиз ватандошлар! Шу кунларда бутун халқимиз Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медалини қўлга киритиб, буюк ғалабага эришган спортчил ёшларимизни қизгин қутламоқда. Дунёдаги 206 та мамлакатдан келган манаман деган спортчилар билан бўлган кескин беллашувларда ўғлонларимизнинг кўрсатган мардлиги ва фидойилиги, маҳорати ва матонати, она Ватанимизга муҳаббати минг-минглаб ёшларимиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлди, деб гурур ва ифтихор билан баралла айтишга барчамиз ҳақлимиз.

Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, Ўзбекистон ёшларининг дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини бутун жаҳонга намойиш этган моҳир спортчиларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийларига, миллий олимпия терма жамоамизнинг барча аъзоларига чин қалбимдан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сиз, ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимга қаратиб айтмоқчиман: бўш келманг, азизларим, давр бизники, марра бизники!

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!

Сизларни, бутун халқимизни Мустақиллик куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, хонадонларингизга, эл-юртимизга файзу барака тилаймиз.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўлласин, ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти

2016-yil 1-sentabr, № 70 (8927)

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллашган: Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қиролчаси — **Елизавета II**  
Япония Императори — **Акихито**  
Бельгияликлар Қироли — **Филипп**  
Франция Республикаси Президенти — **Франсуа Олланд**  
Хиндистон Республикаси Президенти — **Пранаб Мукержи**  
Қозоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбаев**  
Молдова Республикаси Президенти — **Николае Тимофти**  
Туркия Республикаси Президенти — **Режеп Таййип Эрдоғон**  
Туркия Республикаси Бош вазири — **Бинали Йилдирим**  
Чехия Республикаси Президенти — **Милош Земан**  
Словакия Республикаси Президенти — **Андрей Киска**  
Болгария Республикаси Президенти — **Росен Плевнелиев**  
Малайзия Қироли — **Абдул Халим Муадзам Шох Янг ди-Пертуан Агонг XIV**  
Фаластин Давлати Президенти, Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитаси Раиси — **Маҳмуд Аббос**  
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти — **Абдул Ҳамид**  
Исроил Давлати Президенти — **Реувен Ривлин**  
Сингапур Республикаси Президенти — **Тони Тан Кенг Ям**  
Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари, Ички ишлар вазири — **Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**  
Бельгия парламенти Вакиллар палатаси раиси — **Зигфрид Браке**  
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби — **Рашид Алимов**  
ШХТ Минтақавий ақсилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори — **Евгений Сисоев**  
Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти — **Сирил Мюллер**  
Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) президенти — **Ким Ин Сук**  
Корея Экспорт-импорт банки раиси ва президенти — **Ли Дук Хун**  
"Самсунг Инжиниринг" президенти ва бош ижрочи директори — **Пак Чунг Хим**  
"ЛУКОЙЛ" компанияси президенти — **Вагит Алекперов**  
Хитой миллий нефть-газ корпорацияси директорлар кенгашининг раиси — **Ван Илин**  
"Поли Текноложиз" компанияси президенти — **Ван Линь**  
"ZTE" корпорацияси президенти — **Чжао Сяньмин**  
"Сумитомо Корпорейшн" Бошқаруви раиси — **Казуо Омори**  
"Марубени Корпорейшн" Бошқаруви раиси — **Теруо Асада**  
"Мицубиси Хитачи Пауэр Системс" Бошқаруви раиси — **Кожи Танака**  
"Мицубиси Хэви Индастриз Лтд." президенти ва катта ижрочи директори — **Шунъичи Миянага**  
"Фуџицу Лимитед" президенти — **Тацуя Танака**  
"Исузу Моторс Лимитед" Бошқаруви раиси ва ваколатли директори — **Сусуми Хосои**  
"ИТОЧУ Корпорейшн" президенти — **Масахиро Окафудзи**  
Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси бош директори — **Абдулвахоб ал-Бадир**  
Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили — **Петер Буриан**  
Европа Парламенти депутати, Европа Парламентининг Марказий Осиё бўйича делегацияси раиси — **Ивета Григуле**  
Инха университети президенти — доктор **Чой Сунжа**  
Нагоя университети президенти — **Сеичи Мацуо**  
Европа менежмент ва технологиялар мактаби президенти — **Йорг Рохолл**  
Москва ва Бутун Россия Патриархи — **Кирилл**  
Тошкент ва Ўзбекистон Митрополити, Ўрта Осиё митрополит округи раҳбари — **Викентий**  
Қутловлар келиши давом этмоқда.

## МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИГА ГУЛ ҚЎЙИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар номидан ҳарбий оркестр садолари остида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйилди.

Мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт. Бу улуг тушунчалар доимо ёнма-ён. Халқимизнинг тарихий ютуғи — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу ҳақиқат яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида Мустақиллик майдонида улкан қурилиш ва ободлаштириш ишлари амалга оширилиб, у яхлит меъморий ансамбль, ноёб мажмуа кўринишини олди. Бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг нафақат манзарасини, балки мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Бугун Мустақиллик майдонининг кўрку таровати ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Бу ердаги доимо яшнаб турувчи дарахтлар турфа гуллар кўзни қувонтиради. Майин шабададан дарахтлар, ям-яшил майсалар охишта тебранади. Кундузлари қуёш нурида, тунлари нурафшон чи-

роқлар шуъласида жиллоланувчи фавворалар майдон ҳавосини мўтадил сақлайди. Бу ерга келган одам ажиб сокинликни, унинг замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теран ҳис этади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик монументи олдида Бахтиёр она сиймоси акс этган музазам ҳайкал қад ростлади. Бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, порлоқ келажакка бўлган мустақам ишончимиз ифодаланган, фарзандини бағрига босиб, унга термулиб турган Бахтиёр она сиймосида ҳар биримиз ўз онамизни, беғубор бовалигимизни, баркамол авлодимизни кўргандек бўламиз. Мазкур мажмуа эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари ҳар нарсдан устун турадиган фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда аёл зотига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

— Ҳар гал Мустақиллик майдонига келганимизда қалбимизда ўзгача туйғулар жўш уради, — дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси Акмал Жумабоев. — Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор туйғули кўлга киритаётган ютуқ ва марраларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бугун юртимиздаги ҳар бир ёш қалбида Ва-

тан келажаги учун маъсуллик, Ватан равнақиға муносиб улуғ қўшишдек эзгу ният мужассам.

Ютуқларимиз кўпайгани сари халқимизнинг фаровонлиги, турмуш маданияти ва салоҳияти ҳам юксалиб бораверади. Юксак маънавият ва салоҳиятга эга халқ янги-янги марраларни қўлга киритишга қодир. Мустақиллик йилларида халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгарди. Бугун халқимиз замонавий, юксак даражадаги шарт-шароитларда ҳаёт кечиришга ўрганди. Буларнинг барчаси истиқлол йилларида олдимизга қўйган улуг мақсадларга эришаётганимиз, биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизнинг амалдаги ифодасидир.

Замонлар ўтади, мамлакатимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Ақдоқларимизнинг, халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, эркин ва обод Ватан барпо этиш йўлида қанот бўлиб, бекиёс имконият ва истиқболларни очиб берган бу кун юртимиз тарихида мангу буюк сана бўлиб қолади.

1 сентябрь куни пойтахтимизнинг барча туманларида байрам тантаналари ўтказилади. Мамлакатимиз вилоятларида байрам тадбирлари, сайиллар давом этади.

ЎЗА

Темур МАМАДАМИНОВ  
(ЎЗА) олган сурат.

### Vatanimiz mustaqilligining 25 yilligiga

## Тўйлар тўйга уланмоқда

*"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шiori остида ўтказилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар Жиззах вилоятида ҳам юксак савияда ташкил этилмоқда.*

Зарбдор туманида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди!" шiori остида ёши улуг инсонлар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар вакиллари иштирокида шундай тадбир ташкил этилди.

Президентимиз раҳнамолигида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кексалар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Тадбир доирасида туман ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси туман бўлимлари ҳамкорлигида кам таъминланган оилаларнинг 14 нафар фарзандининг хатна тўйи ўтқа-

зилди. Аньанага кўра тўйболаларга сарпо кийдирилиб, маҳалладошлари, қариндош-уруғлари, жамоат ташкилотлари томонидан совғалар улашилди. Оилаларига туман ҳокимлиги томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

— Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилаётган доимий эътибор самараси фуқаролар ўртасида қарор топган меҳр-оқибат, мурувват ва саховатпешалик каби юксак фазилатларда янада ёрқин намоён бўлмоқда, — дейди Зарбдор тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Жўраева. — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига улашиб кетган ушбу тўй ҳам унинг сабабчилари бўлган болакайларга бир олам қувонч бахш этди.

Туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази бадий жамоалари иштирокидаги концерт тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

Т.БЕКНАЗАРОВ,  
ЎЗА мухбири

## Yangiliklarda yurt nafasi



### Термиз шаҳрида ёш оилалар учун барпо этилган "Камолот" уйи фойдаланишга топширилди.

Термиз шаҳрида бунёд этилган икки ва уч хонали "Камолот" уйларининг қалитлари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида 64 ёш оилага топширилди. Байрамни янги уйларида кутиб олаётган ёш оилалар сафида Ватан тараққиёти, юрт келажаги йўлида фидокорона меҳнати билан тенгдошларига ибрат бўлаётган турли соҳа вакиллари бор.

Термиз олимпия захиралари коллежи мураббийи, тазквондо (WTF) бўйича Осиё чемпиони Нигора Хўжамуродова улардан бири. Ун уч йилдан буюн спортнинг ушбу тури билан мунтазам шуғулланиб келаётган Нигора уч қарра Ўзбекистон чемпиони, бир қатор халқаро турнирлар совриндори.

— Энг улуг, энг азиз байрам арафасида узок муддатли имтиёзли кредит авазига тўхфа этилган "Камолот" уйи турмуш ўртоғим ва яқинларимизга жуда ёқди, — дейди Н.Хўжамуродова. — Икки хонали шинам уйга бирийўла замонавий маиший-техника жиҳозлари ҳам ўрнатилган. Мустақиллик байрамини замонавий ўйда қарши олаётганимиз ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сибсатининг самарасидир.

**Жиззах вилояти хотин-қизлар кўмитасининг энг улуг, энг азиз байрамимизга бағишлаб амалга оширган "25 йилга 25 нафар тadbirkor қиз" лойиҳаси бўйича ўқув марказларида хунар ўрганган қизларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.** Ушбу лойиҳа доирасида Жиззах шаҳридаги "Ифатли келин", "Иболи Осиё келини" ҳамда "Элегант" ўқув марказларида кам таъминланган оилалар қизлари тadbirkorлик, тикувчилик, пазандчилик, аёллар саргароши каби касбларга бепул ўқитилди. Лойиҳани амалга оширишда олис қишлоқ туманларида яшовчи хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Хотин-қизлар кўмитаси кўмағида "Ифатли келин" ўқув марказида тикувчиликни ўргандим, — дейди Бахмал туманидан Дилноза Раҳматова. — Энди қишлоғимизда тикувчилик ҳеҳи очиб, хусусий тadbirkorлик билан шуғулланишни мақсад қилганман. Бунинг учун бизда барча шароит ва имкониятлар мавжуд.

**Самарқанд шаҳрида Ватанимиз мустақиллигининг йигирми беш йиллиги муносабати билан маданий-маиший нишоотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари фойдаланишга топширилди.**

Фарход шаҳарчасидаги "Зарафшон" истироҳат боғи, дехқон бозори, аҳоли дам олиш ва маданият маркази ана шундай янги объектлар сифатида байрам совғаси бўлди.

Бир ярим гектар майдонда барпо этилган "Зарафшон" истироҳат боғи ушбу ишларнинг узвий давоми сифатида Фарход шаҳарчаси аҳолиси мароқли хордиқ чиқариши учун кенг имконият яратди. Боғда ўндан ортик замонавий аттракцион ўрнатилди, рангли фаввора бунёд этилди. Шунингдек, ҳудудда сунъий қопламали мини футбол майдони, болалар чўмилиш ҳавзаси, яхна ичимлик ва музқаймоқ павильонлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади.

Шаҳарчадаги бунёдкорлик ишлари жараёнида 1,5 километрлик йўл таъмирланди, кўп қаватли уйлар атрофи ободонлаштирилди, пиёдалар йўлаклари барпо этилди. 64 савдо растаси ва 7 савдо дўконидан иборат "Фарход дехқон бозори" янгидан қурилди. Жорий йилга мўлжалланган инвестиция дастури асосида 6-Фарход маданият ва аҳоли дам олиш маркази муҳаммал таъмирланиб, 250 ўринли концерт зали бунёд этилди.

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма лойиҳасига мувофиқ Наманган шаҳридаги "Истиқлол дизайн маркази" масъулияти чекланган жамияти қошида либослар дизайни конструкторлик маркази очилди.**

— Бугун корхонамиз қошида очилган мазкур либослар дизайни конструкторлик маркази давлатимиз раҳбари томонидан берилган кўрсатмаларнинг амалий ифодасидир, — дейди "Истиқлол дизайн маркази" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Умаров. — Қиймати 47 минг долларга тенг мазкур лойиҳага асосан марказ замонавий компьютер ва бошқа жиҳозлар билан таъминланди. Бу корхонада либос бичиш, янги модель ва дизайнлар яратишнинг тезкор, қулай ва замонавий тизимини яратиш имконини беради.

Марказда йилга 50 га яқин касб-хунар коллежи ўқувчиларини ўқув-ишлаб чиқариш амалиётига жалб этиш режалаштирилмоқда. Бу виллоятдаги тикувчилик корхоналарини замонавий мутахассислар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Лойиҳага кўра, ўқув амалиёти даврида ўзини намоён этган ўн нафар ўқувчи "Истиқлол дизайн маркази" корхонасида иш билан таъминланади.

Иштирокчилар либослар дизайни конструкторлик маркази имкониятлари билан танишди.

**ЎА ва махсус муҳбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.**

## Эътибор ва ғамхўрлик ифодаси

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида таълим-тарбия соҳасида самарали меҳнат қилаётган бир гуруҳ ходимларга "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Халқ таълими вазир У.Иноятов сўзга чиқиб, юртимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли янгилаш ва бунёдкорликлар ёш авлоднинг жисмонан соғлом, ақлан етуқ бўлиб камол топшишида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.**

Мустақиллик йилларида таълим-тарбия ҳамда болалар спортга қаратилаётган юксак эътибор самараси ўларок, ўғил-қизларимиз республика ва халқаро миқёсдаги турли кўрик-танлов ҳамда беллашувларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Жумладан, 14–20 август кунлари Таиландда мактаб ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган математика бўйича халқаро мусобақада вакилларимизнинг умумжамоа ҳисо-

бида 2-ўринни эгаллагани фикримиз исботидир. Болалар спортини ривожлантириш, спорт мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Яқинда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI эъти Олимпия ўйинларида зафар қучган спортчиларимизнинг аксарияти истиклол йилларида болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида чиниқиб, камолга етгани бarchamизда фахр-iftixor туйғуларини уйғотди.

— Рағбат инсоннинг янги-янги марраларни эгаллашида муҳим аҳамият касб этувчи омиллардандир, — дейди Халқ таълими вазирлигининг ахборот хизмати раҳбари Баҳриддин Шайвалиев. — Шу маънода, энг улуг, энг азиз байрам арафасида берилган эсдалик нишони бизни янада фаол ишлашга, соҳа ривож учун астойдил меҳнат қилишга ундайди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА, "Ma'rifat" муҳбири**

## Ўзбекистон кенг имкониятлар мамлакати

**Навоий давлат кончилиқ институтида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ташкил этилган илмий-назарий конференция "Мустақиллик — ижтимоий-иқтисодий тараққиёт асоси" дея номланди.**

Тадбирда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жамоат ташкилотларининг ўрни, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларда намоён бўлиш хусусиятлари, ёшлар тарбиясида маънавий қадриятларнинг ўрни сингари мавзуларда маърузалар тингланиб, ўзаро фикр-мулоҳаза алмашилди.

— Ўзбекистон кенг имкониятлар мамлакати, — деди тарих фанлари номзоди, до-

цент Олмаҳон Ҳайтова. — Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича катта ва аниқ мақсадли ишлар амалга оширилди ва давом эттирилмоқда. Жумладан, бугун катта хурсандчилик билан нишонланаётган истиклолнинг 25 йиллик шодиёналари арафасида Навоий давлат кончилиқ институтининг янги, муҳташам биноси қурилиб ишга туширилиши ва замонавий ўқув жиҳозлари, ахборот технологиялари воситалари билан таъминланганини алоҳида тилга

олиб ўтсак арзийди. Таълим ва тарбия мустақил тараққиёт йўлидаги ислоҳотларнинг бoш омили эканини назарда тутган ҳолда, талабаларимизни бу каби имкониятлардан унумли фойдаланишга рағбатлантириш, ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш биз профессор-ўқитувчиларга янада катта масъулият юклайди. Ёшларимиз тарбиясида маънавий қадриятларимизнинг ўрни ва аҳамияти масаласига алоҳида ургу берили, уларни ахборот хуружларининг салбий таъсирларидан ҳимоя қилиш, бу бордаги тақлиф ва мулоҳазаларни ўрганиш конференция ишнинг диққат марказида бўлди.

**Ойбуви ОЧИЛОВА**

## Ёшлар таълим-тарбиясига бағишланди

**Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежида Мирзо Улуғбек туманида жойлашган умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўрибосарлари иштирокида ўқув-семинар бўлиб ўтди.**

Республика Маънавият тарғибот маркази Мирзо Улуғбек туман бўлими томонидан ташкил этилган ушбу семинарда тумандаги таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш ҳамда ёшлар тарбиясига бўлган эътиборни янада кучайтириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Шунингдек, анжуманда "Диний экстре-

миз ва ақидапастликнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсири", "Ўқув муассасаларида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш" каби мавзулардаги маърузалар қизиқиш билан тингланди. Маърузаларда Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч", "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида", "Она юртимиз бахту иқбол ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" каби асарларининг мазмун-моҳияти ва улардаги устувор ғояларга эътибор қаратилди. Тадбирда янги ўқув йили давомида амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ҳам батафсил фикр юритилди.

**Аброр УМАРКУЛОВ**

## Ватан мадҳи жажжи қалбларда

**Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳиясига жўр бўлаган болажонлар озод Ватан, тупроғи зар юрт мадҳига бағишланган шеърлар, куй-қўшиқлар билан мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрам таптанасини бошлаб беришди.**

Юнусобод туманидаги 532-мактабгача таълим муассасида ватанпарварлик, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланаётган ўғил-қизлар

давлатимиз рамзлари борасида билимларини намоён қилди. Гербадаги Ҳумо куши тилга кириб, тинчлик, фаровонликнинг аҳамияти ҳақида

болажонларга сўзлаб берди. Гузал юртимизнинг кундан кунга чирой очаётганидан мамнун болалар рақс ва ўйин-қўлгулари билан барчага кўтаринки кайфият улашди.

— Бу каби тadbirkor фарзандларимизнинг Ватан ривож учун муносиб хизмат қиладиган авлод бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади, — дейди муассаса мудири Нилуфар Тиллабекова. — Болаларда миллий гурур, ифтixорни шакллантиришни айнан мактабгача таълим муассасаларидан бошлаш, ўғил-қизларимизда бошлангич кўникмалар билан бирга юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларини ҳам ривожланиб боради.

**Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.**



# Тошкентга «Орзу лайнери» келиб кўнди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимиз аэропортларида халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Халқаро фуқаро авиациясининг "Аэропорт" ассоциацияси томонидан "Урганч" халқаро аэропорти 2015 йилнинг энг яхши аэропорти, деб топилди, "Туризм соҳасига қўшган улкан ҳиссаси" номинациясида голибликни қўлга киритди. 2014 йилнинг июнь ойида учта аэропорт 2013 йилги фаолияти янунлари бўйича "МДХ мамлакатларидаги энг яхши аэропорт" танловининг турли номинацияларида голиб бўлди. Мисол учун, йилга юз мингдан ярим миллионгача йўловчи ташилаётган "Бухоро" аэропорти "Барқарор ривожланган аэропорт" мақомига сазовор бўлди. "Самарқанд" ва "Урганч" халқаро аэропортлари "Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси" номинациясида голиб чиқди.

Замонавий авиация техникаси мамлакатимиз ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлиги, барқарорлиги ва мунтазамлигини таъминламоқда. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бу борада 1996 йилдан буён АҚШнинг дунёга машҳур "Boeing" корпорацияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу кунгача миллий авиакомпаниямиз йигирмага яқин "Boeing" самолётини харид қилган. Ўрта магистралли Airbus A320 лайнерлари, йўловчи ва юк ташиш учун мўлжалланган Boeing-767 самолётларидан самарали фойдаланилмоқда. "Uzbekistan Airways Technics" авиакорхонасида нафақат Ўзбекистон, балки бошқа дўст давлатлар авиакомпанияларининг

шу русумдаги самолётларига техник хизмат кўрсатилмоқда.

Учувчи-техник таркиб, техник хизмат кўрсатиш мутахассислари тайёрлаш борасида ҳам ҳамкорлик қилинмоқда. Ўзбекистонлик учувчи ва техник ходимлар "Boeing" ўқув марказларида малака оширмоқда. "Boeing-787 Dreamliner" бугун дунёдаги энг замонавий самолётдир. Унинг номи инглизчадан таржима қилинганда "Орзу лайнери" деган маънони англатиши ҳам бежиз эмас.

Ушбу ҳаво кемасининг аксарият қисми ноёб композицион материалдан ишланган. Бу унинг вазнини энгиллаштириш, парвоз хусусиятларини яхшилаш имконини берган. Самолёт ишончилиқ, хавфсизлик ва тежамкорлик нуктаи назаридан ҳам кўплаб афзалликларга эга. Шу боис у узоқ ва ўта узоқ масофаларга тўхтовсиз уча олади. "Dreamliner" Ўзбекистондан АҚШ, Канада, Австралия ва Африка мамлакатларига тўғридан-тўғри парвоз қилиши мумкин.

Инфор инновацион технологиялар асосида яратилгани ундаги қулайликларни янада оширган. Boeing-767 самолётига нисбатан унинг ёқилги сарфи 10 фоизга кам, салони диаметри эса 1 метр кенг. Лайнер учиш тезлигининг юқорилиги Тошкентдан Москвага 10 дақиқа, Лондон ва Парижга эса 20-30 дақиқага тезроқ етиб бориш имконини беради. Самолёт саломи дизайнга ҳам янгича ёндашилган, махсус конструкциядаги ўриндиқлар билан жиҳозланган. 246 нафар йўловчига мўлжалланган мазкур авиалайнер парвозларни мароқли ўтказиш имконини берувчи қулай ўриндиқ ва коммуникация технологиялари, махсус пол қопламалар,

янгича ёритиш ва шовқин ўтказмайдиган тизимлар билан жиҳозланган. Унинг ташқи шовқин товуши аввалги моделларга нисбатан икки баробар пасайтирилган.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси МДХ давлатлари орасида иккита "Boeing-787 Dreamliner" самолётини сотиб олиш бўйича шартнома тузган биринчи авиакомпаниядир.

Янги самолётлардан фойдаланиш учун ер усти инфраструктураси, муҳандис-техникавий ва учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясида юқори малакали 18 учувчи ва 2 учувчи-инструктордан иборат янги гуруҳ шакллантирилди. "Uzbekistan Airways Technics" авиакорхонасида 64, жумладан, техник хизмат кўрсатувчи 6 инструктор тайёрланди.

— Ўзбекистонлик учувчилар билан биргаликда "Boeing-787 Dreamliner" самолётини Тошкентга учиб келдик, — дейди АҚШнинг "Boeing" компанияси учувчи-инструктори Йэн Салливан. — Ҳаво транспортида ишлаш — бу жуда катта масъулият, чуқур билим, қобилиятни талаб этади. Ўзбекистон ҳаво транспорти мутахассисларининг профессионалигини алоҳида таъкидлашни истардим. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини мамлакатингиз давлат мустақиллигининг 25 йиллиги билан самимий муборакбод этаман. Ўзбекистонга раванк, халқингизга бахт-саодат, фаровонлик ва улкан зафарлар тилайман.

"Boeing-787 Dreamliner" самолётини Ўзбекистонга миллий авиакомпаниямиз экипажи — учувчи-инструктор Иосиф Зак, "Ўзбекис-

тон ҳаво йўллари" авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси янги "Boeing-787 Dreamliner" учувчилар отряди командири Асаджон Турсунов ҳамда авиакомпаниянинг бош штурмани Станислав Гурфинкель бошқариб келди.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг доимий эътибори ва гамхўрлиги самарасида миллий авиакомпаниямиз улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда, — дейди Асаджон Турсунов. — "Boeing-787 Dreamliner" самолётини Сизтл шаҳридан Тошкентга чақирган парвоз қарийб 12 соат давом этди. Мазкур янги авиалайнер двигателнинг тежамкорлиги, бошқаришнинг янада қулайлиги ва салонда йўловчиларга барча шароит яратилгани билан ажралиб турди. Йўловчилар узоқ мамлакатларга парвоз пайтида бир самолётдан иккинчисига ўтмай манзилга етиб олишни истаиди. Мазкур самолёт уларнинг бу истагини бажара олади. "Орзу лайнери"ни бошқариш имкони насиб этганидан жуда бахтиёрман. Биз, учувчилар учун яратилган қулай шарт-шароит ва катта имкониятлар учун давлатимиз раҳбарига кексиз миннатдорлик билдирамыз.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси "Boeing-787 Dreamliner" самолётлари билан таъминланиши мамлакатимиз фуқаро авиацияси ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқовлов сўзга чиқди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,  
ЎЗА мухбири  
Ё.ШАМСИДИНОВ  
(ЎЗА) олган сурат.



*Юртимизда ҳар йили куз фасли кўтаринки кайфиятда кутиб олинади. Мустақиллик байрамини катта тантана билан нишонлаган юртдошларимиз Билимлар кунини даъватлари шодлигига шерик бўлади. Айниқса, шу кун илк бор мактабга қадам қўядиган болакайлارнинг ҳис-ҳаяжони, қувончи ичига сиғмайди. Бежирим портфель, 12 номдаги ўқув қуролилари ҳамда дарсликлардан иборат "Президент совғаси" униб-ўсаётган ҳар бир ўғил-қиз қалбини қувончу ифтихорга тўлдирини шубҳасиз. Мустақиллик йилларига бошланган ушбу эзгу анъана ёш авлодга кўрсатилаётган юксак эътибор ва гамхўрлик ифодаси бўлиши билан бирга тағлим-тарбия соҳаси давлатимиз диққат марказидаги муҳим масалалардан бири эканидан далолат беради.*

## «Мен ўқувчи бўламан!»

болажонлар қалбда ҳаяжон, кўзларда қувонч билан янги ўқув йилини кутмоқда

Жумладан, 2016-2017 ўқув йилида ҳам мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг 1-синфга қабул қилинган 640 нафар ўғил-қизга "Президент совғаси" берилди. Бу мурғак қалбларга олам-олам севиноч улашиш баробарида ўғил-қизларда бугунги кундан мамнуният, атрофдагиларга меҳр-оқибат, эртанги кунга ишонч туйғуларини уйғотиши шубҳасиз.

Паркентлик Жасмина Абдусаматованинг қувончи кексиз. У тумандаги 7-мактабнинг 1-синфига қабул қилинди.

— Энди мен ҳам "Президент совғаси"ни оламан, — дейди қизалоқ севинчи ичига сиғмай. — Ҳозирдан юз-

гача санашни биламан, ҳамма харфларни танийман. Мактабга борсам, харфларни қўшиб ўқишни, чиroyли ёзишни ўрганаман. Кейин совга бериб юборганлари учун Президентимизга раҳмат айтиб, хат ёзаман. Тезроқ ўқиш бошланса эди!..

Завқ-шавқ билан ўқувчиларни интиқиб кутаётган болакайлارнинг беғубор нигоҳларидаги билим олишга иштиёқ, ўқитувчига ҳурмат, она юртига муҳаб-

бат ёлқинлари ота-оналар қалбига кўчиб, фарзандларига кўрсатилаётган эътибор учун кексиз миннатдорлик айланмоқда.

— Бу йил тўнғич фарзандим мактабга боради. Шу боис ўғлимдан ҳам кўра отаси иккимиз кўпроқ ҳаяжондамиз. Чунки биринчи фарзандни мактабга беришининг ўзига ҳос ширин ташвиши, масъулияти бўларкан, — дейди яққабогли Шарифа Солиева. —

Мактаб бозоридан ўғлим Жасурбекка чиroyли оқ кўйлак, қора костюм-шим, пойабзал ва бошқа зарур буюмлар харид қилдик. Шунда у: "Ойи, портфель, китоб, дафтарлар ҳам олиб бермайсизми?" деб сўради. Мен: "Ўғлим, айтган нарсаларининг ҳаммаси сени мактабда кутаяпти", деб "Президент совғаси" ҳақида айтиб бердим. Шундан буён фарзандим мактаб бошланғичини интиқлик билан кутаяпти. Кунга кеча Жасур икки яшар укасига нималарнидир уқтираётганига кўзим тушди. Эътибор қил-

яқиндан таништиришга ҳаракат қилдик. Ўғил-қизларнинг порлаган кўзларидаги қувончни кўриб, юрагимдан ўтган туйғуларни таърифлаб беролмайман, — дейди тажрибали педагог. — Ҳар йили 1-синфга қабул қилинган ўқувчиларни кузатиб, ўзаро таққослайман. Йилдан-йилга болаларнинг дунёқарашини кенгайтириб бораётганига ишонч ҳосил қиламан. Энг муҳими, ҳозирги ўғил-қизларда масъулият, жавобгарлик ҳисси жуда эрта шаклланаёпти. Ўқувчиларим орасида ўқув қуролини қўлидан қўймай, портфелини кучоклаб ўтирадиган ўғил-қизлар бор. Улардан бунинг сабабини сўрасангиз, "Бу — Президент бошқаруви совғаси", дейишади.

Ҳа, ўқувчи сумкаси, глассилин, пенал, ручка, рангли қоғоз, дафтар, рангли қалам, елим, акварел бўёқ, расм дафтар, оддий қалам ва ўчирғидан иборат тўхфа бахтиёр болаликнинг ёрқин, ширин ва ўчмас хотираларидан бири бўлиб қолиши, шубҳасиз. Зеро, энг бахтли болалар ҳам шунлар — озод юрт бағрида, давлатимизнинг юксак гамхўрлигидан баҳраманд ҳолда ҳеч кимдан кам бўлмади униб-ўсаётган, камолотга интилаётган ўғил-қизлардир.

Шоира БОЙМУРОВА,  
"Ma'rifat" мухбири

**Юртимизда ўқувчиларнинг "Билимлар кунини" янгидан қад ростилагани ёки капитал таъмирланган замонавий кўркем мактабларда кутиб олиши гўзал анъанасига айлангани мустақилликнинг улуғ тухфаларидан биридир. Ҳар йили давлат бюджетидан ажратилаётган миллиардлаб маблағлар эвазига барпо этилаётган умумтаълим муассасалари, муҳташам спорт заллари ёш авлоднинг соғлом ва баркамол ўсишига хизмат қилиш баробарида мурғак юракларга унутилмас ифтихор, эртанги кунга ишонч бағишлаётур.**

Жорий йилда ҳам бунёдкорлик анъанаси давом этиб, янги ўқув йили арафасида ўнлаб мактаблар фойдаланишга шай ҳолатга келтирилди. Таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида бу йил Инвестиция дастури доирасида республикамиздаги 371 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Умумтаълим муассасаларидан 29 таси янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, 239 та ўқув иншооти реконструкция қилинди, 103 таси капитал таъмирланди. Мазкур мақсадлар учун қарийб 400 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу каби эзгу ишлар юртимизнинг барча ҳудудидида уюшқоқлик билан амалга оширилди. Жумладан, 2016 йилги Инвестиция дастурига асосан Хоразм вилояти бўйича 20 та умумтаълим мактабиде капитал реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари бажарилиши учун 19 миллиард 506 миллион сўм ажратилгани фикримизнинг ёрқин исботидир.

Қўшқўпир туманидаги янги капитал таъмирдан чиқарилган 38-мактаб бир вақтлар ўрмон хўжалиги ташкил қилинган ҳудудда жойлашган бўлиб, ўқув муассасаси биноси ўтган асрнинг 80-йиллари амал-тақал қурилган эди. Ўша пайтда сифатсиз ишлангани боис деворлар ҳар қанча сувалмасин, келгуси йилга қадар яна таъмирталлаб бўлиб қолар, ёнгарчилик кунлари томдан чакка ўтарди. Сифатсиз материалдан тайёрланган эшик ва дераза ромлари аллақачон муддатини ўтаб, фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган эди. Боз устига мактабнинг ягона қозонга уланган иситиш тизими умуман ишдан чиқиб, қиш ойлари синфхоналарни иситиш учун голланд печларидан фойдаланилар эди.

Шундай аянлик ҳолатдаги мактаб биноси таъмирдан сўнг бутунлай янгича қиёфа касб этди. Яроқ-

сиз ҳолга келиб қолган барча дераза ромлари совуқ ва шовқинчи ўтказмайдиган замонавий алюминий профили ромларга алмаштирилди. 67 та эшикнинг ҳаммаси янгиланди. Электр тизими бошдан-адёқ текширилиб, носоз кабеллар алмаштирилди, энергиятежамкор чироқлар ўрнатилди. Ёқилги

## Кўркем қиёфадаги таълим муассасаси

**ўқувчиларнинг билим олишга иштиёқини оширади**

сарфи юқори бўлган голланд печлари ўрнини замонавий, энергиятежамкор иситиш тизимлари эгаллади. Иккита қозонхона орқали бутун бинонинг иситилиши ўқувчилар ва ўқувчилар учун ниҳоятда катта энгиллик бўлди. Энг муҳими, янги иссиқлик қозони ёқилги танламайди. Икки қаватли мактаб биносидеги хоналарга тўлиқ янгидан пол қилинди. Муассаса томига ёнғинга қарши суоқ кимёвий мода куйилиб, қайтадан шифер билан қопланди. Хоналарга ёнғиндан оғоҳ этувчи сигнализация тизими ўрнатилгани турли тасодифий кўнгилсизликларни ўз вақтида бар-тароф этишда муҳим аҳамият касб этади. 120 ўринли мажлис зал, 40 ўринли ошхона, 9x18 ўлчамли спорт зали, 12 та синфхона, 9 та фан кабинети капитал таъмирланди.

— Ҳар ўқув йили тугаши билан жамоамиз олдида мактабни таъмирлаш ташвиши турар, ўқувчиларни таълим-тарбия ишидан чалғитарди. Бу йил жамоамиз учун қўлғу келди. Барча қийинчиликларга чек қўйилди. Давлатимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги туфайли



## Мактабга е'tибор — келajakка е'tибор

мактабимиз ҳудуддаги энг кўрмисиз бинодан энг кўркем таълим муассасасига айланди, — дейди мактаб директори Фозилбек Рўзметов. — Энди педагогик жамоамиз билан ўқув-тарбия ишларига янада масъулият билан ёндашиб, дарсдан бўш пайтлари ўқувчиларимизнинг билим ва соҳиёятини оширишга кўпроқ вақт ажратами. Яратилган қулайликлардан самарали фойдаланиб, мактабимизнинг таълим сифати ва самарадорлиги бўйича рейтинг кўрсаткичини юқори ўринларга олиб чиқамиз.

ўринга мўлжалланган икки қаватли мактаб биносини электрлаштириш ишлари тўлиқ бажарилди. Шифт ва деворларга ўрнатилган бежирим чироқлар бинонинг ички қиёфасига янада кўркемлик бағишлаган. Иккита қозонхона қурилиб, иситиш қувурлари ўрнатилгани синфхоналарнинг қишда иссиқ бўлишини таъминлайди. Ёғоч ўймакорлиги усулида ишланган нақшлар бинога ўзгача файз ва рўх бериб турибди.

Ўқув даргоҳида 370 нафар ўқувчига 54 нафар педагог билим беради. Фан кабинетлари, синфхоналар ва йўлақлар мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамига бағишланган ширлар, кўргазма ва баннерлар билан безатилган.

Ота-оналарнинг қувончи чексиз. Улар фарзандларининг давр билан ҳамқадам бўлишини, замонавий таълим-тарбия олишини, ва албатта, кўркем, зарур шарт-шароитларга эга таълим муассасасида ўқишини истайди. Мана, уларнинг орзуси ушалди. Яратилган қулайликлар ўқувчиларнинг ҳам шижоатини ошириши шубҳасиз. Буни ўғил-қизларнинг тўққиланиб айтган гап-сўзларидан англаш мушкул эмас.

— Телевизорда юртимиздаги замонавий, барча шарт-шароитларга эга мактаблар кўрсатилганда ҳавасимиз келарди, — дейди 9-синф ўқувчиси Ирода Ҳайитбоева. — Юртбошимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги туфайли бу йил биз ҳам янги ўқув йилини янги мактаб биносидега кутиб оламиз. Бу эътиборга жавобан замонавий касбхоналарни эгаллаб, юртимизнинг равақига муносиб ҳисса қўшадиган ўғил-қизлар бўлиб етишамиз.

Юртимиздаги барча шаҳару қишлоқларда истиқлол тантаналари шуқуҳи кезиб юрган айна кунларда барча шод-хуррам. Айниқса, Ватанимизнинг эртанги кунини бўлган ёш авлод қалбиде байрамон руҳ ҳукмрон. Бунинг учун арзиғулик сабаблар бисёр. Буни тенгдошлари билан ўртоқлашиш учун ўғил-қизлар "Билимлар кунини" орзиқиб кутмоқда.

**Маҳмуд РАЖАБОВ,  
"Ma'rifat" мухбири**

## Мактаб бозорлари

**харидорларнинг вақтини ва нақдини тежамқода**

Шалоба Бойтўраева янги ўқув йилида Нишон туманидаги 1-мактабнинг 2-синфига боради. У ҳозир "Билимлар кунини" интиқлик билан кутаяпти. Онаси таътил якунида Шалобанинг кайфиятини янада кўтариш мақсадида кўнгилчор бозорларга сайрга олиб чиқди. Қизалоқ Қарши шаҳридаги Мустақиллик майдони, Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда "Болалар боғи"ни мириқиб томоша қилди. Айниқса, яқиндагина қайта таъмирдан чиқарилган Амир Темур кўприги унда катта таассурот қолдирди. Сўнг она-бола "Шарқ зийкори" савдо маркази қошида ташкил этилган мактаб бозоридан ўқув

қуроллари, мактаб формаси ҳамда бежирим пойабзал харид қилишди. Энг муҳими, барча харидлар Шалобага маъқул бўлди.

Айни кунларда Нишон туманидаги қатор мактаблар, хусусий фирма ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари қошида мактаб бозорлари фаолият олиб бормоқда. Мазкур савдо мажмуалари 33224 нафар ўқувчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Яратилган қулайликлар туфайли ота-оналар нақдини ва вақтини тежашга эришаётур.

Мактаб ярмаркалари Қашқадарё вилоятининг бошқа ҳудудларида ҳам намунали фаолият кўрсатаяпти.

— Туман марказидан олисда жойлашган қишлоқ-

лар учун кўчма автодўконлар ташкил этилгани ота-оналар ва ўқувчиларнинг мушкулени осон қилаётур, — дейди Миришкор тумани ХТМФМТТЭБ методисти Ўткир Маматқулов. — Жумладан, Дўстлик қишлоғидаги 26-, Янги Жейнов қишлоғидаги 27-мактаб ўқувчиларига хизмат кўрсатаётган автодўконларда барча турдаги ўқув қуроллари, иситилган ўлчамдаги қиз ва ўғил болалар кийимлари, пойабзаллар мавжуд. Энг асосийси, харидорлар тўловни пластик қарточкаларда амалга ошириши ҳам мумкин.

Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидеги 122та умумтаълим мактаби ва юздан



ортиқ хусусий ишлаб чиқариш корхоналари қошида мактаб бозорлари ташкил этилиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Бу йил республикамиз бўйича 1978 та мактаб ярмаркаси ташкил этилиб, қатор ҳамкор ташкилот ва компаниялар кўмағида аҳолига 26 турдаги ўқув анжомлари ва кийим-кечаклар таклиф этилмоқда. Мак-

таб ярмаркалари 10 сентябргача давом этади. Бундан кўзланган мудоаа — юртдошларимиз узогини яқин, мушкулени осон қилиш, ёш авлодни сифатли ўқув қуроллари ҳамда бежирим, миллий менталитетимизга хос мактаб либослари билан таъминлашдир.

**Ўқтам МЕЙЛИЕВ,  
"Ma'rifat" мухбири**

# ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИ

Катта авлод вакиллари бугун ҳар жабҳада ютуқ ва муваффақиятларни қўлга киритаётган истиқлол фарзандларига чинакам ҳавас билан боқайтгани бежиз эмас. **Навқирон авлод вакиллари-нинг қай бири билан суҳбатлашманг, эришайтган юксак натижалари, энг аввало, мустақиллик яратиб берган имкониятлар тўғрисида эканини эътироф этади.**



## Меҳнат қилиб, кам бўлмади

Фермер хўжалиги ташкил этишни қатъий мақсад қилган Феруза мустақиллик тенгдоши. Энди Галина Гулистон педагогика коллежини битирган қиз ҳеч нарсдан ҳайиқмасдан фермер бўлишга аҳд қилди. 2011 йилнинг 18 февралда таъсис ҳужжатларини қўлга олган Феруза ўзи тенги беш нафар ишчи билан танлаган йўлининг бошини маҳкам тутди. Энди у ерни ҳайдаб, экин қишга тайёрлаш, гўза қатор ораларига ишлов бериш, зараркундаларга ўз вақтида қарши курашиш, сув ва ўғит билан меърида тўйинтиришинг сир-асрорларини ўргана бошлади. Об-ҳавонинг инжиқликларига бардош бериб, ер билан «тиллаша оладиган» журъатли бу қизнинг ташландиқ 20 гектарлик майдонни обод далага айлантириб, ундан мўл-кўл ҳосил кўтариши кўпчиликни ҳайрон қолдирди. 2012 йили «Камолот» ЁИХнинг «Еш тadbиркор — юртва мададкор» лойиҳасининг республика босқичида иштирок этиб, «Агробанк»нинг Боёвут тумани филиалидан 20 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, фермер хўжалиги учун зарур трактор ва қўшимча агрегатлар сотиб олди. Ишчилар меҳнати самарадорлигини янада оширишга эришди. Ҳозир ҳўжалик ҳисобидаги тракторлар сони учтага етди. Фермер хўжалиги майдони 92 гектарга кенгайтирилди. Бу йил ер майдонининг 52 гектари гўза, 40 гектарига галла экиб, барча зарур агротехника тadbирларни вақтида олиб бораётган ёш фермер мўл-кўл ҳосил кутмоқда. Яқинда

у давлат ҳисобига 112 тонна галла топириш бўйича шартномани тўлиқ бажарди. Ёш фермернинг энг катта ютуқларидан бири — ўзи тенги ёшларни иш билан таъминлаётганидир. 37 нафар ишчидан 25 нафари коллеж битирувчилари бўлиб, муқим иш ўрнига эга ёшлар ўз меҳнатларидан мамнун. Жорий йил Тошкент давлат аграр университети кишлоқ хўжалигида менежмент факультети 3-босқичини тамомлаган ёш мутахассисга бу масканда ўрганганлари жуда асқотмоқда. Устозлари Қодир Сулаймонов, Алишер Шокиров ундан соҳа сирасрорлари ва амалий фаолияти бўйича керакли тавсия ва маслаҳатларини аямайди. Мустақиллик тенгдоши Феруза ўқиб-ўрганиш, ўз устидан мунтазам изланишдан чарчамайди. У ўз келажига катта ишонч билан қаради. — Тегирмон келтириб, нон цехини очмоқчиман. Бунинг учун имкониятимиз етарли, маҳаллаимизда яна янги иш ўрни яратилади, аҳолига қўшимча хизмат турлари кенгайди, — дейди Боёвут туманидаги «Шабнам нурли замин» фермер хўжалиги раҳбари Феруза Усмонова. — Шукрки, биз, ёшларнинг меҳнатимиз доимо эътиборда, эътирофда. 2012 йили «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони, 2013 йили Президентимизнинг фармонида бионоан «Шухрат» медали билан тақдирландим. Англадимки, тупроғи зар, жаннатмакон она юртини севган, унинг қадрига етган инсонгина узини янгидан-янги ташаббус ва улкан марралар сари чорлаб туради.

## Спортсевар Феруза

Яна бир қаҳрамонимиз Феруза Абдурахмонова 1991 йили Қарши шаҳрида туғилган. Шундай тишч, осмон мусаффо, халқи фаровон юртва камол топаётганидан у ҳар нафасда фахрланади. Халқаро ареналарда майдонга тушган бу спортчи қизнинг таржимаи ҳолида айтишга арзийдиган ютуқлар кўп. У спортнинг таэквондо WTF тури бўйича 6 қарра Ўзбекистон чемпиони, 2009 йили эса Марказий Осиёда чемпион бўлган. 2008, 2010 йилларда Жанубий Кореяда ўтказилган халқаро турнирларда гўлиби, спорт устаси ва 1-ДАН қора белбоғ соҳибаси.




Феруза Абдурахмонова (ўнгдан биринчи) тенгдошлари билан.

— Қарши шаҳридаги 19-умумтаълим мактаби спорт залида илк бор машгулотларни кузатиб турсам, эшикдан спорт кийимидаги аёл кириб келди. Шу пайт 50дан ортқ бола тўхтаб, бир овозда уни галаба билан табриклади. Ушанда спортчи аёлларимизнинг эришайтган ютуқларига ҳавас қилиб, ниятим қатъий мақсадга айланган эди, — дейди «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши маънавий-маърифий лойиҳалар бўлими мудири, «Шухрат» медали соҳибаси Феруза Абдурахмонова. — Юз-қўздан меҳр ёғилиб турган мураббий Сайёра Зухридиновага шогирд бўлдим. Шу тариқа

бошланғич синфданок спортнинг таэквондо WTF тури билан шуғулланиб келмоқдаман. Қарши олимпия захиралари коллежини муваффақиятли тамомлаган Феруза 2009 йили Қарши давлат университетининг жисмоний маданият факультетига имтиёзли равишда қабул қилинди. Табиатан ҳаракатчан, ҳар ишда фаол қиз 2011 йили университет «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси этиб сайланди. Бу вақтда у қайноқ қозонда тобланди, тенгдошларининг қалбига йўл топиш ҳадисини олди, асосийси, ҳаракат ортнда баракат борлигини англади.

2011 йили «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишонини, 2012 йили Президентимиз фармонида мувофиқ, «Шухрат» медали билан тақдирланган Ферузанинг ҳаёти 2016 йилда ҳам қувончли кунларга бой бўлмоқда. Ватан ичра ватан бўлмиш оила куриш бахтига мушарраф бўлди. Ижтимоий фаол ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун бериладиган «Камолот» уйига эга бўлди. Унинг ҳулосаси шундай: фақат буюк юртининг фарзандларигина ўз олдига катта мақсад қўйиб, юксак марраларни кўзлайди, ўқиб-ўрганади ва бахтва эришади.

## Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda



— Ер юзасидаги деярли барча очик конлар аниқланган. Яширин маъданлашувини қидириб топиш эса жуда катта меҳнат талаб қилади. Тоғ жинсларидаги метасоматик ўзгаришлар маъданлашиш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб, конларни қидиришда муҳим ҳисобланади. Аммо ҳамма ўзгарган тоғ жинслари ҳам маъданлашавермайди. Шунинг учун мавжуд олтин конларидаги тоғ жинсларининг метасоматик ўзгариш қонуниятларини ўрганиш асосида конларни қидиришнинг минералогик-геокимёвий белгиларини ишлаб чиқиш ва олинган натижаларни янги ўрганилаётган ҳудудларга таътиб қилиш яширин маъданлашув зоналарини топишга ёрдам беради, — дейди ёш олим С.Саидов. — Тадқиқотимнинг мақсади метасоматик ўзгарган тоғ

## Ёш геологнинг муваффақиятлари

Ўзбекистон минерал ресурслар, рангли ва нодир металлларга бой мамлакат. Саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмаларни алоҳида ҳудудларда геологик изланиш ва қидирув орқали аниқлаш мураккаб жараён. Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қарашли минерал ресурслар илмий-тадқиқот институтининг етакчи муҳандис-геологи Сардор Саидов ана шу йўналиш бўйича иш олиб боради. 2011 йили Ўзбекистон Миллий университетининг геология факультетининг бакалаврияти, 2013 йили ЎзМУ минералогия, кристаллография, петрография мутахассислиги бўйича магистратура босқичини тамомлаган Сардор мустақиллик тенгдоши бўлган фаол ёшлардан. У Ўзбекистон Фанлар академияси геология ва геофизика институтини муҳандиси, кичик илмий ходими, «Минерал ресурслар илмий тадқиқот институти» давлат корхонасининг 1-тоифали муҳандиси сифатида фаолият юритиб, ўз тажрибасини бойитиб келаятган ёш мутахассис. Иш фаолияти давомида иккита давлат бюджетли ва ўнга яқин ҳўжалик шартномаси лойиҳаларини бажаришда фаол иштирок этиб келаятган Сардорбек дала геологик ишларида тоғ жинсларидан намуна олиш, геологик-минералогик кесим тузиш, муфассал геологик кузатиш каби ишларни амалга оширди. Лаборатория шароитида эса тоғ жинси ва маъданларнинг минералогик-геокимёвий хусусиятлари, моддий таркиби, улардаги метасоматик ўзгаришлар, фойдали ва йўлдош компонентларнинг учраш шакллари ўрганади. Ёш тадқиқотчи корхонадаги меҳнат фаолияти билан бир қаторда «Фарбий Ўзбекистон олтин конлари тоғ жинсларининг метасоматик ўзгаришлари» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда. У мазкур мавзу юзасидан институтнинг геологик-қидирув ишлари методикаси бўлими бошлиғи, геология-минералогия фанлари доктори Владимир Цой раҳбарлигида докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга тайёрланмоқда.

жинсларини ўрганиш орқали Фарбий Ўзбекистон конларида метасоматитларнинг кимёвий ва минералогик таркиби, олтин маъданлашувини шаклланишининг қонуниятларини аниқлаш, мазкур конлар учун қидириш белгиларини ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот объекти сифатида Қизилқум ва Нуртоғ тизмаларидаги бир қатор олтин конлари ва олтин-геология истиқболли майдонларини танлади. Муфассал дала тадқиқот ишлари орқали минералогик-петрография, кимёвий-аналитик таҳлиллар, олинган натижалар интерпретация қилинади. Геологик ишларни илмий-амалий, технологик таътиб қилиш, ўрганиш жуда қадим даврлардан бошланган. Берунийнинг «Минералогия», «Қимматбахо тошларни ўрганиш учун маълумотлар тўплами», Абу Али ибн Синонинг «Шифо китоби» асарларида 50дан ортқ минерал ва маъданлар хусусида маълумотлар келтирилган бўлиб, улар катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ўрта шарқ Алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда хорижлик мутахассислар Абу Райхон Берунийнинг аниқ фанлар ривожига қўшган улкан ҳиссаси, тарихий мероси, жумладан, геологияда геодинамика ғоясининг шаклланишидаги хизматларини алоҳида эътироф этди. Буюк алломалар илмий меросини чуқур ўрганаётган Сардор «Ўзбекистон конлари мисолида маъданли минералларни қайтган нурда ўрганиш» номли ҳаммуаллифликдаги методик қўлланмасини нашрга тайёрлади. Ундан ортқ мақолалар муаллифи. 2015 йили Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ўтказилган «Энг фаол ёш мутахассис» кўрик-танловининг республика босқичида «Энг фаол ёш геолог» йўналиши бўйича 1-ўрин соҳиб бўлди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

# Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини ёрқин намойиши

**Мамлакатимизнинг истиқлол йилларидаги изчил та-  
раққиети улкан бунёдкорлик ишларига замин яратди. Янги  
саноат корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари,  
санъат ва спорт саройлари, йўл ва кўприклар, замонавий  
уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Мус-  
тақиллик иншоотлари деган ибора пайдо бўлди. Уларнинг  
кўллиги ва гўзаллигидан шахару қишлоқларимиз қиёфаси  
тубдан ўзгариб бормоқда.**

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Нукус, Урганч, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Андижон, Фарғона, Наманган ва бошқа шаҳарларимиз бош режа асосида қайта қурилмоқда.

Мамлакатимиз ривожини ёрқин акс эттирган Тошкент шаҳрида ҳам улкан қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Пойтахтимиз ўзининг тарихий хусусиятларини сақлаган ҳолда замонавий қиёфа касб этмоқда. Янги-янги иншоотлар, турар жойлар, меҳмонхоналар, йўл ва кўприклар, сўлим боғу хиёбонлар шаҳар аҳли ва меҳмонларга қулай шароит яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг гоёси асосида ишлаб чиқилган бош режага мувофиқ пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. 2013 йили Хадра майдонида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2014 йили Олмазор ва Шайхонтохур туманларида янги йўллар қурилди. 2015 йилнинг май ойида Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган чорраҳада янги замонавий кўприк очилди.

Нурафшон кўчасининг қурилиши аҳоли учун катта қулайлик яратиш билан бирга, Эски шаҳарни замонавий масканга айлантириш борасидаги ишларга кенг йўл очди. Ҳар томони 4 тасмали бу йўл транспортлар ҳаракатини энгиллаштирди. Кўча билан параллел равишда коммуникациялар ва муҳандислик инфратузилмаси қурилди.

Президентимизнинг 2014 йил 20 ноябрдаги Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида замонавий турар жойлар барпо этиш чора-тадбирлари тўғриси-

даги қарорига асосан бу ерда кўп қаватли уйлар бунёд этилмоқда. Жорий йилда 386 хонадондан иборат 20 замонавий уй-жой куриб битказилди.

Инсон манфаатларини таъминлаш, одамларга барча қулайлик яратишга қаратилган эътибор ҳар қадамда кўзга ташланади. Биноларни лойиҳалаштиришда иқлим шароитлари, санитария ва хавфсизлик талаблари, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзига оид барча жиҳатлар ҳисобга

лар учун ўйин қурилмалари ўрнатилган. Фаввора ва гулзорлар ташкил этилган.

— Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги биз учун кўшалок байрам бўлди, — дейди ушбу уй соҳибаларидан бири Нигора Ҳасанова. — Яқинда уч хонали уйга кўчиб ўтдик. Бу ерда барча шарт-шароит яратилган. Хоналар кенг, ёруғ, баҳаво. Ҳовлида оилавий сайр қилмиш, болаларимиз маза қилиб ўйнайди.

Мамлакатимизда ҳаёт сифати, аҳоли даромадлари ошиб бораётгани натижасида автомобиллар сони тобора кўпайиб бормоқда. Шунга мувофиқ йўл-коммуникация тармоқлари изчил ривожлантирилмоқда. Барча ҳудудларда янги йўллар қурилмоқда, мавжудлари кенгайтирилмоқда. Пойтахтимизда шаҳарнинг келгу-



мобиль, яъни қарийб икки баробар кўп транспорт ҳаракатланар эди. Оқибатда тирбандлик юзага келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ортиқча вақт йўқотишига, ёқилғи сарфи ошиб, атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўларди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу ерда эни 19, узунлиги қарийб 1 километр бўлган замонавий кўприк бунёд этилди. Му-

кита ер усти ўтиш йўлаги барпо этилган. Уларнинг усти ёпилган, атрофи бежирим панжара ва ойналар билан ўралган. Бу одамларни қишда ёгиндан, ёзда иссиқдан ҳимоялайди, атрофдаги манзарадан баҳра олишга имкон беради.

Бундай бунёдкорлик ишлари бошқа ҳудудларда ҳам амалга оширилмоқда. Йўллар кенгайтирилиб, кўприклар қурилмоқда. Транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулайлик яратиш мақсадида Тараққиёт кўчаси ҳам узайтирилди. Унинг Паҳлавон Махмуд ва Мирзо Улуғбек кўчалари билан туташган жойидан Оҳангарон кўчасигача Тошкент механика заводи ҳудуди орқали 3 километр янги йўл қурилди. Тараққиёт кўчаси ва Кичик халқа йўли чорраҳасидаги кўприк реконструкция қилинди.

Шу каби қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида пойтахтимиз янада кўркamlашиб, яшаш учун қулайликлар ортиб бораётир. Ўзбекистон "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтингига ҳаҳон бўйича 44-ўринни, пойтахтимиз Тошкент Буюк Британиянинг "Economist" журнали бўлинмаси — Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингга дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўринни эгаллагани ҳам бунинг тасдиғидир.

Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини, мамлакатимиз тараққиётининг ёрқин намойиши бўлган бундай замонавий иншоотлар, ободонлаштириш ишлари аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада оширишга хизмат қилади.

**Анвар САМАДОВ,  
ЎЗА муҳбири**

**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА)  
олган суратлар.**



олинган. Уларни қуриш ва безатишда замонавий технология ва материаллардан фойдаланилган.

Бинонинг деворлари ўй ичидаги иссиқликни сақлайдиган қилиб қурилган. Ҳар бир хонадонда алоҳида иссиқлик ва сув иситиш тизимлари ўрнатилган. Бу хона ҳароратини мустақил бошқариш, энергия сарфини 2 баробаргача қисқартириш имконини беради.

Йўл бўйидаги уйлар бир қаторга эмас, балки кўчадан ҳар хил узоқликда қурилган ва оралик масофалари кенг олинган. Бу мавзеда шомол айланишини таъминлайди.

Турар жойлар орасида майсазорлар барпо этилган. Манзарали дараклар, райхонлар экилган. Бола-

си ривожини ҳам ҳисобга олинган ҳолда кенг ва равон йўллар, кўприклар бунёд этилмоқда.

Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилди. Нурафшон кўчаси Оқтепа майдонигача 4 километр узайтирилди ва Муқимий кўчасига уланди. Муқимий, Усмон Носир ва Шота Руставели кўчалари чорраҳасида замонавий кўприк барпо этилди. Ушбу чорраҳадан бошланган берк кўчанинг иккинчи томони Бобур кўчасига уланди. Шу тариқа пойтахтимизда яна бир айланма йўл барпо этилди.


Муқимий, Усмон Носир ва Шота Руставели кўчалари чорраҳасида илгари солатига меъёрдаги 6 минг ўрнига 11 минг 500 авто-

қимий кўчасининг ҳар бир йўналиши беш тасмали қилиб кенгайтирилди.

Янги кўприкнинг қурилиши нафақат ушбу чорраҳадаги тирбандликни бартараф этади, балки Бунёдкор, Чилонзор, Чўпонота, Қўшбеги, Бобур кўчаларидаги қатновга ҳам ижобий таъсир қилади.

Ушбу иншоот "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли "Кўприкқурилиш" трести томонидан бунёд этилган. Хорижнинг энг замонавий технологиялари ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланилган.

Кўприкнинг ёнида пиёдалар учун қарийб 90 метрлик битта, Оқтепа майдонида 48 ва 60 метрлик ик-





# Олимпиада ғолиб ва соvrиндорлари тақдирланди

*Жорий йилнинг 5—21 август кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XXXI Ёзги Олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиз 4 олтин, 2 кумуш ва 7 бронза медални қўлга киритди.*

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 23 августдаги фармойишига мувофиқ Олимпиада ўйинларининг ғолиб ва соvrиндорлари пул мукофотлари билан тақдирланди.

По й тахтимиздаги "Олимпиада шон-шухрати" музееда 29 август кунин Олимпиада ғолиб ва соvrиндорларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Президентимиз раҳнамолигида барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимизнинг эркин ва озод, тинч-осойишта, фаровон ва бахтли ҳаёт кечирishi, фарзандларимизни баркамол инсонлар қилиб вояга етказишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Халқимиз энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини кенг нишонланаётган шу кунларда ҳар биримизнинг дилимизда истиқлол берган буюк неъматларга шукроналик туйғулари жўш урмоқда.

Ватан — муқаддас, унинг халқаро майдонда обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш энг олий бахтдир. Ўзбекистон спортчилари XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, бутун дунёга мардлик ва жасорат бобида улуғ зотларнинг муносиб ворислари эканини исботлади, халқимизнинг, Президентимизнинг ишончини оқлади, эркин ва обод Ватани-

мизнинг энг улуғ, энг азиз байрамига муносиб туҳфа ҳозирлади.

Ўзбек бокс мактаби вакиллари мазкур Олимпиадада мамлакатимиз спортчилари шижоат ва маҳоратда, куч ва салоҳиятда тенгсиз эканини намоён қилди. Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига Олимпиада ўйинларининг дастлабки олтин медалини бокс бўйича вазни 49 килограммгача бўлган спортчилар беллашувида қатнашган Ҳасанбой Дўстматов келтирди. Ҳасанбой энг ёрқин жанглари олиб боргани учун Олимпиада ўйинларининг энг яхши боксчиси сифатида Вэл Баркер кубоги билан тақдирланди.

— Бизни қўллаб-қувватлаб, ишонч билдирган халқимиз ва Президентимизга миннатдорлик билдирамиз, — дейди Ҳасанбой Дўстматов. — Бу ишонч бизни галаба сари руҳлантирди, кучимизга куч қўшди. Олимпиада ўйинларида қўлга киритган олтин медалимни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлайман.

Ҳазилдин Ғойибназаров вазни 64 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида, Шаҳобиддин Зоиров вазни 52 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасидаги беллашувларда барча рақибларини енгиб, Олимпиада чемпиони бўлди.

— Олимпиада ўйинларида олтин медални қўлга киритаман, деб ният қилган



Vatanimiz mustaqilligining 25 yilligi arafasida

элим, — дейди Шаҳобиддин Зоиров. — Ниятимга етганимдан, нуфузли мусобақада Ватанимиз байроғини баланд кўтариш насиб қилганидан жуда бахтиёрман. Бундай улкан ютуқларимиз Президентимиз раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Ўз вазн тоифасида Бектемир Мелиқўзиев ва Шаҳрам Ғиёсов кумуш, Рустам Тўлаганов ва Муроджон Аҳмадалиев бронза медал билан тақдирланди.

XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг энг муҳим воқеаларидан бири оғир атлетика баҳсларида рўй берди. Тажрибали оғир атлетикачимиз Руслан Нурудинов нуфузли мусобақада олтин медални қўлга киритиш билан бирга Олимпиада рекордини янгилаб, Ўзбекис-

тон ёшлари нималарга қодир эканини бутун дунёга яна бир қарра намоён қилди.

— Менинг галабам — бутун Ўзбекистоннинг галабасидир. Биз, ёшлар, озод ва обод юртда туғилиб вояга етганимиздан ва халқаро майдонда Ўзбекистон номини халқаро мусобақага чиқаришдан фахрланамиз, — деди Руслан Нурудинов. — Президентимиз ёшларга қарата маррани доимо баланд олинг, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас, ҳеч қачон кам бўлмайди, деган сўзлари қалбимизга муҳрланган. Президентимизнинг ушбу даъватлари бизни янги-янги марралар сари чорлайди.

XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган беллашувларида ҳам спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этди. Дийрбек Ўрозбоев, Ришод Собиров, Элмурод Тасмуродов, Ихтиёр Наврўзов ва Магомед Ибрагимов Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига бронза медални тақдим этди.

Давлатимиз раҳбарининг фармойишига мувофиқ мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида олимпиада ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларидаги юксак спорт маҳорати ва мардлиги, халқаро спорт майдонларида Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга қўшган катта

ҳиссаси учун спортчиларимиз бир йўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирланди. Олимпиада ўйинларида олтин медални қўлга киритган спортчиларимизнинг ҳар бири 200 минг АҚШ доллари, кумуш медалга сазовор бўлган спортчиларнинг ҳар бири 100 минг доллар, бронза медални қўлга киритган спортчиларнинг ҳар бири 75 минг доллар билан мукофотланди.

Олимпиада ўйинларида ғолиб ва соvrиндор бўлган спортчиларимизга "Malibu" автотомбили ҳам берилди.

Ўзбекистон халқ артистлари О.Назарбеков, М.Азизов ва бошқалар спортчиларимизни Олимпиада ўйинларидаги юксак муваффақияти билан табриклаб, келгуси нуфузли мусобақаларда омад тилади.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи Р.Ўзихононов, спортчилар Ҳ.Дўстматов, Р.Нурудинов, Б.Мелиқўзиев, Р.Тўлаганов ва Д.Ўрозбоев Президентимиз Ислом Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун самимий миннатдорлик билдирди.

Талбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,  
Жавоҳир ТОШҲУЖАЕВ,  
ЎЗА мухбирлари

Мухаммад АМИН  
(ЎЗА) олган суратлар.



## Совға муборак!

Истиклолимизнинг чорак асрлик тўйи нишонланаётган шу кунларда Риштон тумани Оқер кишлоғида истиқомат қилувчи Тошматовлар оиласи учун унутилмас воқеалар кўп бўлди. Янги уйга кўчиб ўтиш, тўрт қиздан сўнг ўғил фарзанднинг дунёга келиши, мустақиллик айёми тантаналари ва байрам муносабати билан тўхфа этилган совға — барчаси хонадон аҳли қувончига қувонч қўшди.

— Бундай юртда яшашнинг ўзи бир бахт! — дейди Феруза Тошматова. — Тўйлар байрамларга уланмоқда. Ҳар куни бир хушxabар эшитамиз. Истиқлол шодийнаси арафасида оиламизга берилган тўхфадан бошимиз кўкка етди. Қир ювиш машинаси қутилмаган совға бўлди.

Бугун қай бир хонадонга борманг, ана шундай шоду хуррамлик! Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик шодийнаси барча идора, ташкилот, муассаса, боринки, ҳар бир оилада катта тантана билан нишонланаётир. Турли кўнгилочар тадбирлар, акция ва учрашувларда юртдошларимиз кўнгли завққа тўлмоқда. Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси томонидан "Қим эди, ким бўлди, эртага қандай марраларни эгаллашимиз зарур?" мавзусида ташкил этилган акция ҳам ана шундай эзгу

тадбирлардан бири бўлди. Федерация томонидан "Касабаси уюшмалари — хотин-қизларга" акцияси доирасида республикамизнинг чекка ҳудудларида яшовчи эҳтиёжманд 4 минг нафардан ортиқ хотин-қизларга маиший техника жиҳозлари топширилди.

— Мустақиллигимиздан айланай!



### 2016-yil — Sog'lom ona va bola yili

Барча орзу-истакларимиз рўёбга чиқаяпти. Фарзандларимизнинг дунёни ҳайратга солишини қаран! Меҳр-оқибат, эътибор қувончи воқеаларга ҳамоҳанг. Касабаси уюшмаси томонидан байрам муносабати

билан шарбат тайёрлайдиган рўзғор анжومي совға қилингани оила аъзоларимизни мамнун этди. Юртимиз таракқиётига, тинчлик, хотиржамлигига кўз тегмасин. Кексаларини эъзолаган, ёшларини ардоқлаган эл буюк ишларга қодир, — дейди Қўнғирот туманида истиқомат қилувчи Патма ая Муғалова.



Байрам кунлари Касабаси уюшмалари федерацияси мустақиллик йилларида хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга гамхўрлик кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Турли кўнгилочар дастурлар уюштирилиб, моддий ва маънавий кўмак берилиши дилларга хурсандчилик бағишлаши табиий. Федерация томонидан "Касабаси уюшмалари — ёшларга" акцияси доирасида кам таъминланган оилаларнинг 300 нафар ўғил-

қизига стипендия берилиб, олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида таълим олаётган 140 нафар кўза ожиз талаба ва ўқувчига махсус ўқув анжомлари тақдим этилди.

— Каерга борманг, байрам шуқуҳи. Юртдошларимиз Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги билан бир-бирини муборакбод этишмоқда. Ҳар биримизнинг қалбимизда Ватанга муҳаббат, мустақиллик берган неъматларга шукроналик, фахр ва ифтихор туйғулари жўш ураётгани ана шу самийий тилаклар тўфайли бўлса керак, — дейди Самарқанд вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Акбар Абдусаидов. — Байрам муносабати билан вилоятдаги 367 нафар аёлга турли маиший техника воситалари совға қилинди. Уларнинг хурсандчилигини кўрсангиз эди. Эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларига берилган бир марталик касабаси уюшмаси стипендияси (781440 сўм) уларнинг янги ўқув йилини кўтаринки кайфиятда, янада шижоат билан бошлашига рағбат бўлади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, кам таъминланган оила ва уларнинг фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадидаги бундай тадбирлар энг улуг, энг азиз байрам шуқуҳини янада оширади.

**Ҳасан МҮМИНОВ,**  
**"Ma'rifat" мухбири**

## Бахту иқбол пойингда Ватан!

*Юртимизда мустақиллик байрами яқинлашар экан, юрагимдаги қувончу-шодлигим оламини тутаяпти. Узимни ватанимнинг энг эрка, энг бахтиёр фарзандларидан бири деб баралла айта оламан. Она дёйримдаги ўзгаришлар, кенг кўламдаги қурилиш, ободонлаштириш ишлари мени доимо ҳайратга солади. Кўз очиб юмгунча қуриб битказилаётган улкан йўл иншоотлари, қад ростлаётган гўзал биналар ҳамжиҳат ҳалқим, ватанпарвар юртдошларим меҳнати меваси эканидан фахрланман.*

Худди шу фахр туйғуси жўш ураётган қалбимда касбимга бўлган меҳрим мени ҳам келажак авлодга юксак даражада билим бериш йўлида тинмай ўқиб-излашга чорлайди. Андижон давлат чет тиллар педагогика институтини тасомлаб Марҳамат туманидаги 25-умумтаълим мактабига ўқувчиларга немис тили фанидан сабоқ бера бошладим. Тушундимки, бугуннинг боласи жуда зуқко, фикри теран. Уларга қанча билим берсанг ҳам камлик қилаверади. Шу тўфайли ўз устимда доимий ишлаб, билим ва малакамани ошириб туришни жоиз деб биламан. Мамлакатимизда бунинг учун педагогларга шароит, имкониятлар етарли.

2014 йил январь ойида Германиянинг "Германия Академик Алмашувлар Хизмати" (DAAD) ташкилоти томонидан ўтказилган танловда интернет орқали қатнашиб, барча топшириқларни муваффақиятли бажариб, грант асосида магистратурада ўқиш имкониятини кўлга киритдим. Шундан сўнг менга Германиянинг юртимиздаги элчионаси томонидан Дрезден техника университети қошидаги касбий таълим ва шахсни ривожлантириш

факультети магистратурасига қабул қилинганим ҳақида хабар қилишди. Қувончим ниҳоятда чексиз эди...

Тошкент халқаро аэропортидан учган самолётимиз 8 соат деганда Германиянинг Франкфурт шаҳридаги аэропортга бориб қўнди. Ушанда илк бор юртимдан ташқарига чиқшим эди...

Дунёнинг турли мамлакатларидан жамланган ҳамроҳларим билан 2014 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Лейпциг шаҳридаги университетда 6 ойлик тил курсида ўқишни бошладик. Бизга курс раҳбари қилиб Виттеборн хоним тайинланди. АҚШ, Бразилия, Колумбия, Кения, Бангладеш, Вьетнам мамлакатларидан келган 22 нафар курсдошим билан дўстлашиш дунёқарашимни янада кенгайтди. У ердаги ўқиш тартиби интизомли бўлишни, дарс машғулотларига мунтазам қатнашишни тақозо этарди. Биз режа асосида ҳафта охирида шаҳардаги музейларни бориб кўрдик, ранг-баранг тусда ташкил этилган концертларни томоша қилдик, яқин атрофдаги шаҳарларга саёҳатга чиқдик. Янги ҳафтадаги дарсларда эса ўша кўрганларимиз асосидаги тасав-

вурларимизни немис тилида гапириб, тушунтириб беришимиз талаб қилинарди. Бу тил ўрганишида жуда ҳам қулай усул эканлигини амалиётда тушундим. Менга Лейпциг шаҳридаги Ҳалле расмлар галереяси жуда ҳам манзур бўлди. Айниқса, бу ерда машҳур немис композитори Й.Бах туғилгани, шу боис шаҳар "Муסיқа шаҳри" деб аталishi шаҳарга санъаткорона тароват бағишляётгандек туюлди менга. Ўқиш давомида берилган илмий из-



### Iftixor

ланиш имкониятидан тўлиқ фойдаланишга тиришдим. Ўқидим, изландим. Кутубхоналарда 8 соатлаб шуғулланишимга тўғри келди. Бунинг натижасида курс охирида "С 1" даража сертификатини кўлга киритдим. Бу сертификат менга Германияда яшаш, ўқиш ва ишлаш имкониятини берди. Шундан сўнг октябрь ойидан бошлаб Дрезден техника университети магистратурасида ўқишни бошладим.

Магистратурада ўқишнинг мураккаблиги шундаки, доимо илмий тилда ўқиш, ўрганиш, кўриш ва томоша қилиш керак. Университет профессорлари бизга ҳар соҳада яқиндан ёрдам беришди. Гурӯҳ раҳбаримиз Клобер хоним ўз ёрдами талабалардан ҳеч аямайди. Айни вақтда ўзимнинг охириги илмий ишларимни ёзмокдан. Германияда ўқиш билан бирга, дунёқарашимизни янада бойитиш мақсадида Европа мамлакатларига ҳам са-

ёҳатларга чиқдик. Яқинда Францияга бордим. Унинг пойтахти Париж шаҳри ҳақиқатдан ўзгача жозибача эга экан. Ўша дунёга машҳур "Эйфель" минорасига чиққаннимизда бутун Париж кафтдек намоён бўлди.

Ўзга шаҳарларда юрар эканман, ватаним Ўзбекистонга бўлган соғиним ортаверди. Юртимнинг бекиёс жамоли, юзида меҳр ва илиқлик сезилиб турган яқинларим суврати мен учун ҳар юртдан гўзал, ҳар миллатдан азиз эканини туйдим. Ўзга юртда яшаш ўзбек фарзандига ўз урф-одатларини аънаваларининг мазмун-моҳияти қанчалик чуқур эканлигини ҳам аңглатиб кўяр экан.

Қувонарлиси, магистратурада яхши ўқиганим боис алоҳида виза орқали кизим Муштарийбонуни ҳам Германияга олиб келишимга рухсат берилди. У ҳозир Дрездендаги бошланғич мактабнинг 4-синфида аъло баҳоларга ўқияпти. Инглиз, немис тилларини мукамал ўрганмоқда. Келгусида француз тилини ўзлаштириш нияти ҳам бор.

Бу ерда турли саналарга бағишлаб катта байрам тадбирлари тез-тез ўтказиб турилади. Мен бу байрамларда ўзбек дўпписиро атлас кўйлак кийиб қатнашганимда либосларимни кўрибқочет элликларнинг "Ўзбекимиз?" деган хитобларига гувоҳ бўламан. Тенгсиз жозибдор миллий либосларимизни дунё таниётганидан ва алоҳида эътироф этаётганидан бир олам севинаман. Ана шундай давраларда сўз берилганида Алишер Навоий, Мир-

зо Бобур ғазалларини, Муҳаммад Юсуф шеърларини завқ-шаўқ билан ўзбек тилида ёддан айтиб бераман. Баъзи байрам кечаларида кизим иккимиз ўзбек паловини тайёрлаб, турли миллатлар таомлари ўрин олган дастурхонга ортазим. Паловимиз дастурхонда таомлар султонидек кўринади кўзимга.

Шу йил баҳорда таътилга чиқиб Ўзбекистонга келдим. Аэропортда бизни илк бор қарши олган юртим нафаси димоғимни чоғ этди. Тошкентнинг гўзаллиги, келинчақдек очилгани ўзига ром қилди. Андижонда бўлганимда эса у ердаги янгиланишлардан қўйил қолдим. "Ўзбекистон" кўчасида ўзимни хориж давлатларида юргандек ҳис қилдим. Истиқлол юртимга ярашган тўхфади. Яқинлашиб келаётган энг улуг, энг азиз байрамимизни нишонлаш олдидан юртимда яна кўплаб тайёргарликлар, байрамга муносива йирик-йирик бунёдкорлик ишлари олиб бораётганидан хабардорман. Бу йўлда хизмат қилаётганларга битмас-туганмас куч-қувват тилаб қоламан.

Менинг ҳам юртим истиқболи йўлида кўшажак улкан мақсадларим бисёр. Насиб бўлса таҳсилни тугатиб, юртимизга қайтсам, олган билимларимни ёш авлодга таълим бериш йўлида сарфламоқчиман. Зеро, энг билимдон, зуқко болалар ўзбекининг фарзанди бўлиши керак, деб ўйлайман.

**Нафисахон БОЗОРБОВЕВА,**  
**Германия Федератив Республикаси Дрезден техника университети қошидаги касбий таълим ва шахсни ривожлантириш факультети 2-босқич магистранти**

2016-yil 1-sentabr, № 70 (8927)

— Аввало, энг улуг, энг азиз байрам муборак! Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси, унвони қутлуг бўлсин! Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида бу хушхабар қулоғингизга етганида юрагингиздан қандай туйғулар ўтди?

— Табрик учун ташаккур! Байрам барчамизга қутлуг бўлсин! Бахши қавмининг жони ҳаммиша ўз халқининг ичиди бўлади. Халқнинг бoshiга ёмон иш тушса, бахшнинг юраги дўмбиранинг торигача энб келади. Кўзига кенг жаҳон тор бўлади. Томоқдан сув ҳам ўтмайди, ўтганиям ичига тушмайди. Кўнгли Алпомишнинг зиндонидай зимистон бўлади...

Халқининг бахти қулса, иқболи баланд бўлса, юрти озод, халқи



Шодмон ХУЖАМБЕРДИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси:

## «Жамолингни куйлашга юзлаб Шодмон етмайди!»

шод бўлса — бахшига Худонинг бергани шу! Дунёда ундан бахтли одам йўқ! Паҳлавони ўктам, чавандози шунқор, деҳқону иш билгичлари баракали бўлса, йигитлари мард, аёллари садоқатли бўлса, бахшнинг боши Бойсунтовдай баланд бўлади, дўмбирасига учар қуш келиб қўнади.

Юртимизнинг мустақиллигига 25 йил тўлган бир кунда менинг камтар ижодим шунча қадрлиниб, Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси, деган унвон берилганини эшитдим. Кўзларимга ёш келди, Яратганга шукрлар айтиб чарчамадим. Парвардигордан Ватанга тинчлик, элимизга соғлиқ-омонлик тилладим.

Бул пирлар кезган тупроқда не не бахши боболаримиз ўтмади, дўмбирасининг инграганига ўтаётган қарвон тўхтаган бахшилар Магаданда муз кавшаб ўлиб кетди. Бундай унвон, иззат-хурмат қаёқда... Бахши дегани халқ душманига тенг бўлди, қўлидаги Худо берган сози қаро тупроқларда чириди. Менга берилган бу юксак унвон шул зотларнинг руҳларини ҳам шод этаётди. Бу унвон жорий этилганда, эл қатори Президентимиз томонидан бахшиларнинг ҳам боши силанганда кўпдан-кўп Ватанни суйган инсонлар қатори мен ҳам

кувончдан бир қулоч ўсган эдим. Бу унвон берилишининг ўзи бизнинг маданиятимиз, маънавиятимизга берилган катта эътибор эди. Бизга мустақиллик берган кўпдан-кўп неъматларнинг бирови шу. Бахши дўмбираси билан, шоир шеъри билан халқимизга яна бир бор англатиши қарз бўлган бир гап бор. Бу гап шундай бўлади: Мустақиллик дегани осмондан тушмаган, узоқ-яқиндаги кўни-қўшининг ҳаммасиям бундан бирдай хурсанд бўлмаган. Шунинг учун ҳам буни асраш, қадрига етиш, англаб-англатиш бизнинг ота-онанинг олдидаги қарзимиз.

— **Хабарингиз бор, халқ оғзаки ижоди намуналарининг 100 жилдлиги нашр этилмоқда. Бу улкан хазина халқимиз бадий меросининг нақадар катта эканидан далолат беради. Бунда сиз мансуб бўлган Шеробод бахшичилик мактабининг ҳам ўрни бор, албатта...**

— Арслоннинг товушидан гапнинг равиши яхши. Беўрин ўқиргандан, ўз ўрнида астароқ айтса ҳам бўлади, дегани бу. Ўрни келганда бир гапни айтмасам бўлмайди. Сурхондарёда мен билган 6 та дарёнинг бирови Шеробод дарёси. Мустақиллик йилларида бизнинг Сурхонга еттинчи дарё ҳам ке-

либ қўшилди. Бу: Тош-Фузор-Бойсун-Қумқўрган темир йўли.

Энди саволингизга келсак... Мана шу дарёни тинглаб, беадоқ даштларнинг боврида дўмбира чертиб, тўйларда улуг Қодир бахшини эшитиб, Хушвақт Мардонақул ўғлидай булбулларнинг овозини юракка жойлаб, тупроқдай хокисор, лекин етмишдан зиёд дostonни ёд билган Чорша бахшиларни кўриб улгайдик. Сўнг ато қилган экан, дўмбирага эш бўлди. Қўлдан келганича куйлаб келаяпмиз. Нашр қилинаётган 100 жилдлик халқ оғзаки ижоди китоблари эса халқимизнинг ўзи яратувчан, бахши-шоир эканини, юрагида доим қўшиқ яшаганини билдиради. Аммо битта гапни айтмоқ керак: энг улуг ютуғимиз бўлган мустақиллик берган бахт-иқболимизни, обод кунларимизни, аввало тинчлигимизни куйлаш учун юзта Шодмон бахши ҳам кам...

— **Ижодингизда устоз бахшиларимиз куйлаб келган "Алпомиш", "Гўрўгли", "Қутнугўмиш" сингари дostonлар билан бир қаторда замонавий дostonлар ҳам ўзига хос ўрин олган. Жумладан, "Хондалли", "Сурхонданман — Сурхондан" каби дostonларингиз китоб ҳолида чоп этил-**

ган. Келгусидаги ижодий ниятларингиз қандай?

— Нашр этилиш арафасида турган, тингловчилар орасида анча ном қозонган янги замонавий мавзудаги дostonим "Лолатош" деб номланган. Бу дoston ҳам халқимиз маънавиятининг янада юксалишига ўз улушини қўшади, деган умидим бор...

— **"Ma'rifat" — халқ зиёлилари нашри. Шу зиёлилар минбаридан туриб газетхонларимизга айтар туйлақларингиз...**

— Зиёлилар доим халқнинг олдида юрган, халқни ўз атрофида бирлаштирган. Ватан учун, эл-юрт ори учун ҳам, аввало, зиёлилар заҳмат тортган. Шу сабабдан мустабид тузум даврида уларнинг меҳнати тўхмат, егани миннат бўлган. Минг шукрки, ёруғ кунлар келди. Кун булутнинг остидан чиқди. Мен зиёлиларимизни, бутун юртдошларимизни улуг байрам билан қўтлайман. Миллатнинг келажоги бўлган ёшлар тарбиясидак улкан вазифани елкасига олган бул азамат одамларга чин кўнглидан ҳавас қиламан.

— **Дарёнинг ҳам авжи келадиган пайти бўлади. Яхшини кўрмоқ, бахшидан эшитмоқ, дейдилар...**

— Бояндан бери қачон икки оғиз терма айтинг дер экан, деб турирман. Бахшидан сўрамаса айтмайди, айтмай кетса — дили оғрийди!

Бўғзимда турган бўзимни Куй қилиб берган дўмбирам. Кўкайда қолган розимни Кўкка етказган дўмбирам.

Шул Ватаннинг бағрида Бўй чўздиқ бобо чинордай. Тўшини тоғлар жолаган Қанотин ёзган шунқордай. Юртимнинг бахтин куйлайғи-эй, Элимнинг шаҳдин куйлайлик...

Юртим, сени куйласам, Тилим тошларни кесади. Жамолинга буйласам, Кўнглим чинордай ўсади.

Йигирма беш ёшли паҳлавон, Улуг йўлларга бошлайсан. Камолинга тикилсам, Жамолинга тикилсам, Иқболинга тикилсам, Юртини обод айлаган Алпомишга ўхшайсан, Алпомишга ўхшайсан...

Шодмонқул САЛОМ  
суҳбатлашди.

## Ватанни юракдан изламоқ керак

Аждодларимизга армон, бизга ва авлодларимизга буюк инъом, халқимизнинг асрий орзуси ушалган кун — Ўзбекистонимизнинг мустақил давлат сифатида дунё миқёсида эътироф қилинганга йигирма беш йил тўлаяпти. Юрагимизнинг қат-қатларигача сингиб, томирларимизга жон узатиб турган куч, асли Ватан туйғусидир.

Ватан — неъмат!  
Бу сўзни шунчаки айтиб, унинг ҳақида шунчаки ёзиб бўлмайди. Менимча, бу улуг каломнинг сийратини кўнглидан изламоқ керак. Ана шу туйғулар изланадиган маъво бу — юрак.

Ватан асли осмондай бепоён, ердай бағрикенг. Ватан бир дунёдики, унинг кенглиги яна дунё билан тенг. Агар Ватанни бир чаман

деб таърифласак, ҳар бир қарич ерида меҳр унади. Агар Ватанни севсак, кўзларимиз қорачигида жондай ширин туйғулар қулади. Ёзсак, ашъорларга сигмас наводир Ватан!

Ватанни саждагоҳ билиб, мангу сифинсанг ярашади. Йиғласанг, армондай нолакор у. Қайғурсанг гар, қайғунгдек кўҳна бир қайғу. Ватанни минг йилликлар ичра сабр деб аташ мумкин. Зеро, минглаб паноҳсизларга паноҳ бўлган макон. Ватан — барчанинг дилида ёниб турган олов.

Ўзбекистон бугун дунё тоқида сўнмас нур таратиб турибди. Ҳамиша юракдан изланадиган, таърифни ҳеч қачон сўзга сиғдириб бўлмайдиган Ватан мустақил бўлган экан, биз ўқитувчилар юрак-

ларда ҳазиналар очувчи, унинг моҳиятини оммага теранроқ идрок қилдиришга масъул уйғоқ тафаккур эгаларига айланмоғимиз шарт. Мустақиллик бизга ўзлимиз-

Дунёга санашни ўргатган халқмиз, Бизда ўлчаб берган қадимда Нилни. Кайхисравни енгган биздан чиққан қиз, Бобомиз арабга ўргатган тилкин. Тибда шогирд тушган олам Синога, Беруний кашф этган янги қитъани. Навоийдек зотни берган дунёга, Бундай миллат яна қайда бор, қани?! Бизнинг удни чертар Арабу Аҷам, Форобийдек даҳо мусиқада кам. Ҳар кимнинг куйига ўйнама, болам, Ўзлингиз унутма тургунча олам.

Икром БОБОЖОНОВ,  
Янгибозор туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси

**Одамзод, наботот ва ҳайвонот олами вақиллари организм тўхтовисиз равишда ҳаракатда бўлади, ривожланади. Бу жараёнда ҳаёт манбаи ҳисобланган сув муҳим унсурдир. Сувнинг турфа хусусиятлари, ундан тўғри фойдаланиш ва истеъмол қилиш хусусидаги қизиқарли маълумотларга кўп дуч келамиз. Зотан, ҳидсиз, таъм-сиз, рангсиз (қалин қатлами зангори рангда), шаффоф суюқлик шаклидаги ушбу мўъжиза тўғрисида буюқ ҳақим Абу Али ибн Сино «Инсон жонланган сувдир, қариллик эса — қуруқлик», дея айни ҳақиқатни айтган.**

воситаси ҳисобланади. Сув тўқималар фаолиятини, озиқ моддалар ва алмашинув маҳсулотлари(қон, лимфа, ўсимликлар шарбати)нинг сингишини, физик терморегуляцияни ва ҳаёт фаолиятига тегишли бошқа жараёни таъминлайди. Организмларда жуда кўп миқдорда сув бўлади. Одам очликка бир ойдан ортиқроқ чидаши мумкин, лекин сувсизликка бир неча кундан

ололик жиҳатдан хавфсиз бўлиши керак. Сувда касаллик кўзгатадиган бактериялар ва вируслар бўлмағлиги лозим.

### Сув танқислиги муаммоси

Сайёраимизнинг 71 фоизи сув билан қопланган бўлсада, бироқ бундай сувнинг асосий қисми музлардан иборатдир ёки истеъмол учун яроқ-

## Tabiat va biz

тўла қондира олган. Тоza ичимлик сувига бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бориши аслида аҳоли сонининг кўпайиши тўғрисида эмас, аввало кишиларда тозалик ва озодаликнинг, sanoatda toza ичимлик сувга бўлган эҳтиёжнинг кучайиб бориши, иккинчидан, тоza ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш даражасининг сусайиши натижасида рўй бермоқда. Япония пойтахти Токиода ўтган асрнинг 50-йилларида тоza ичимлик суви ҳар бир кишига бир кунга қарийб 400 литрни ташкил этган

# Томчида ҳаёт акси

Ер юзининг қарийб тўртдан уч қисми, яъни 71 фоизини қопланган сув вodorod (11,19 foiz) ва kislorod(88,81 foiz)дан иборат энг sodda kimyoviy birikmadir. Бу модда Ернинг геологик тузиллиши ва унда ҳаётнинг пайдо бўлиши, физик ва кимёвий муҳит, иқлим ва об-ҳавонинг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Кишлоқ ҳўжалиги ва sanoatdagi технологик жараёнларнинг зарурий қисми бўлган сув асосан океан, денгиз, кўл, дарё, сув ҳавзаларида, шунингдек, музлар, ерости сувлари ва атмосферадаги сув буғлари, булутларда йиғилган. Атмосферада сув буғ, туман, булут, ёмғир, қор ҳолатида бўлади.

Қуруқликнинг 10 фоизга яқин қисми муз билан қопланган. Барча тирик жонзотлар организмидеги сув Ер юзидеги дарёлар сувининг ярмига тенг. Ердаги ҳамма сув бир-бири ва атмосфера, литосфера, биосферадаги сув билан ўзаро таъсирда бўлади. Табиий шароитда сув таркибиде доимо эриган тузлар, газлар ва органик моддалар мавжуд. Улар миқдори сувнинг ҳосил бўлиши ва шароитига боғлиқ. Сувдаги туз концентрацияси 1 г/кг. гача бўлса — чучук, 25 г/кг. гачаси — тузли, ундан юқориси шўр сув ҳисобланади. Ёгин, кўл ва дарё суви кам минералли бўлади. Океан сувининг шўрлиги 35 г/кг. га яқин, денгизда эса камроқ. Сувнинг минераллиги ошгани сари натрий, калий ионларининг концентрацияси ортиб боради.

Табиий сувда эриган азот, кsilорod, карбонат ангидрид каби газлар, баъзан вodorod сульфид, углеводлар бўлади. Сувда органик моддалар концентрацияси оз — дарёларда ўртача 20 мг/л, ерости сувиде янада оз, океан сувиде эса 4 мг/л.дир.

Инсоният ҳаётида бемисл аҳамиятга эга бўлган сув қадимдан ҳаёт манбаи ҳисобланади. Қадимги дунё файласуфларининг фикрича, сув ҳаёт учун зарур бўлган 4 унсурнинг биридир (олов, ҳаво, тупроқ сингари). Шу билан бирга унга салқинлик ва намлик бахш этувчи, деб ҳам қаралган. XVIII асрнинг охиригача сув индивидуал кимёвий элемент деб келинган. 1781-1782 йилларда англиз олими Г.Кавендиш суви илк бор вodorod ва ksilорod ара-лашмасини электр учкуну билан портлатиб синтез қилган. 1783 йили француз олими А.Лавуазе бу тажрибани так-

рорлаб, сувнинг вodorod ва ksilорodдан таркиб топганини тасдиқлади.

### Сув — кучли эритгич

Табиатда сувнинг таркибиде эритилган ҳолдаги моддалар (тузлар, газлар) мавжуд. Сув электролит бўлгани сабабли кўпгина кислота, асос ва тузларни эритади. Сувнинг ўзи ҳам яхши эрувчан модда. Вodorod билан ksilорod қўшилиб, сув ҳосил бўлиши натижасида иссиқлик ажралиб чиқади. Сув — ниҳоятда барқарор бирикма. Молекулалари 1000°дан юқори ҳароратда ниҳоятда оз даражада вodorod ва ksilорodга ажралади. 2000°да сувнинг термик парчаланиси 1,8, 3092°да 13, 5000°да 100 фоизга етади. Сув ультрабинафша нурулар (фотодиссоциация) ёки радиоактив нурулар (радиолиз) таъсирида ҳам парчаланаяди.

Сув ўзига хос ғайриоддий хоссаларга эга: қовушқоқлиги кичик, сирт таранглиги, суюқланиш ва кайнаш ҳарорати юқори, суюқ ҳолатдаги зичлиги қаттиқ ҳолатидегидан катта. Ўта иситилган сув ҳам барқарор бўлмайди; бироқ чайқатилса, бундай сув жуда кўп миқдорда буғ ҳосил қилиб қайнайди. Сув молекуласи 2та вodorod ва 1та ksilорod атомидан таркиб топган. Кsilорod атоми атрофидаги электронларнинг носимметрик тақсимланиши натижасида электрон булути манфий электр зарядининг маркази ksilорod атомининг мусбат заряди марказига мос келмайди.

Сув — кенг ишлатиладиган модда. У ksilорod, вodorod, ишқор, нитрат кислота, спирт, алдегид, сўндирилган оҳак ва бошқа кўпгина кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда иштирок этадиган кимёвий реагентдир. Сув боғловчи материаллар учун зарур компонент. Қайнатиш, эритиш, суюлтириш, кристаллаш учун технологик компонент сифатида ишлаб чиқариш жараёнида ишлатилади. Техникада электр ва иссиқлик элтувчи, бу машиналарида босим узатувчи сифатида қўлланади. Организмдаги сув барча ўсимликлар, тирик организмлар ва микроорганизмларда моддалар алмашинуви учун зарур асосий восита, шунингдек, бир қанча кимёвий ферментив реакцияларнинг субстрати ҳисобланади.

Фотосинтез жараёнида сув карбонат ангидрид билан биргаликда органик моддалар ҳосил бўлишида қатнашади ва шу билан бирга Ерда тирик организмлар ҳосил бўлиши

зиёд чидай олмайди. Сувда организмнинг яшаши учун зарур бўлган органик ва аорганик моддалар эрийди.

Инсон танасининг 70—75, миянинг 90, қоннинг 95, суякнинг 31, терининг эса 64 фоизи сувдан иборат. Организмимиз ўзини ўзи таъминлаш учун суви ҳўжайра таркибидеги суюқлик ва қондан олади. Тиб илмининг султони Абу Али Ибн Синонинг таъкидлашича, энг тирик сув тоғ булоғидан отилиб чиқиб, кўёш нуруни эмган, тунда юлдуз «кўрган», турли тошлар устидан уюрма бўлиб оққан ер юзасидаги сувдир. Инсон ҳаёти давомида 50 тоннадан ортиқ сув истеъмол қилади. Газсиз, дистилланмаган, хлор ва токсик моддаларсиз сув инсон организмни учун қони фойда. Овқатланиш жараёнида ва ундан олдин сув ичиш таъсия этилмайди. Чунки бу пайтда меъдада овқатни ҳазм қилиш учун керакли миқдорда хлорид кислотаси ва пепсин ажралади. Акс ҳолда, овқат ҳазм қилиш қийин кечаяди.

Одамнинг сувга бўлган физиологик эҳтиёжи, иқлим шароитига қараб, суткасига 3—6 литрни ташкил этади. Санитария ва ҳўжалик-рўзгор эҳтиёжлари учун кўп миқдорда сув талаб қилинади.

Дунё мамлакатлари ичида Япония ҳалқининг узоқ умр кўриши айнан сув билан боғлиқ. Окинава, Токусима каби қизил маржон сув ўтлари ўсувчи ороллардан олинандиган океан суви кальций ва магнийга жуда бой бўлиб, унинг таркибиде инсон саломатлиги учун зарур барча микроэлементлар мавжуд энг тоза ва шифобахшдир. Япониялик олим Эмото Массару сувнинг ҳар хил ташқи таъсири сезиши ва хотирасида сақлаши юзасидан тажриба ўтказди. Тадқиқотда табиий, турли салбий нарсалар билан ифлосланмаган сув ҳақиқатан ҳам инсон саломатлигига ижобий таъсир этиб, соғлигини мустаҳкамлаши ва кучига куч қўйиши исботланди.

Аҳоли яшайдиган жойларнинг санитария маданияти сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади. Аҳолининг соғлиги ва санитария-гигиеник яшаш шароитларига бевосита ёки билвосита салбий таъсир этиши хавфнинг олдини олишда сувдаги кимёвий моддаларнинг юқори белгиланган миқдорда бўлиши, илмий асосланган гигиена меъёрлари муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли истеъмол қиладиган сув эпидеми-



сиздир. Ердаги чучук сувнинг деярли учдан икки қисмини Антарктида музликлари ташкил этади. Кўллар ва дарёларда тахминан 85 миң километр куб сув оқади, бу сувларга ў ёки бу жиҳатдан инсон таъсир кўрсатади.

Табиатта инсон омили таъсирининг тобора кучая борагани сари табиий мувозанатнинг бузилиши оқибатида уларнинг яшаш тарзи, соғлиги, ижтимоий муҳитга бўлган акс таъсири тобора ҳалокатли тус олмоқда. Шу сабабли инсоният ҳар қандай сиёсий, минтақавий, ирқий, миллий, диний ва бошқа масалалардан кўра, аввало айнан сув муаммосини ҳал этиш йўлида жипслашуви лозим. Марказий Осиё минтақасининг табиати ва ҳаттоки ижтимоий муҳити қадимдан табиат томонидан инъом этилган сув захиралиридан қай даражада самарали фойдаланишга кўпроқ боғлиқ бўлиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Сув ўрни бошқа ҳеч бир неъмат боса олмайди. Аммо инсониятнинг бу борадаги эҳтиёжи ва мавжуд бўлган захиралар ўртасидаги мутаносиблик аллақачон долзарб муаммога айланган. Мутахассисларнинг фикрича, сайёраимиздаги сув захиралирининг 2,5 фоизигина ичиш учун яроқли экан. Шундан 0,5 фоиздан инсоният ўз манфати йўлида фойдаланмоқда. Ичимлик сувидан фойдаланиш даражаси аҳоли сонининг кўпайиши билан бевосита боғлиқ. Лекин аҳоли сони сарф қилинадиган сувнинг миқдорда доимо мутаносиб бўлавермайди. Масалан, ривожланган Европа мамлакатларида аҳоли сонининг камайиши кузатилаётган бир пайтда, ичимлик сувидан фойдаланиш коэффициенти юқорилаб бораяпти. Бундан 40—50 йиллар муқаддам Тошкент шаҳрида сув истеъмол қилиш миқдори қарийб 5 баробар кам бўлиб, аҳолининг эҳтиёжини

бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилда 160 литрга тушган.

Сувдан оқилона фойдаланиш ҳаёт заруратидир. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, ўша ерда сувдан оқилона фойдаланиш даражаси ҳам ортиб боради. Сувдан фойдаланишнинг илгор технологиялари ишлаб чиқилади ва уни ҳаётга татбиқ этиш имкониятлари кенгайди. Тоza ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш усулларидан бири — томорка ерларини, истироҳат болгаларини, кўча бўйидаги дов-дарахларни суғоришга сарф қилинадиган тоza ичимлик сувини тежашдир.

Бир стакан апелсин шарбатини ичиш учун, апелсин дарахти тагига 50 стакан сув қўйиш керак бўлар экан. Олимларнинг ҳисоб-китоби шу-и кўрсатмоқдаки, дунё миқёсида сўнгги оз йилда сув сарфи олти мартаба ошган. Ҳозир дунё миқёсида 1,1 миллиард инсон доимий равишда сув танқислигидан азият чекмоқда. 2 миллиард одам бу муаммога вақти-вақти билан рўбару келмоқда. Бу сайёраимиз аҳолисининг ярми чучук сувга муҳтож эканидан даволат беради. Ҳар куни 6000 нафарга яқин одам (асосан болалар) бу муаммонинг ў ёки бу оқибатлари тўғрисида нобуд бўлмоқда. Ҳозирданок дунёдаги аҳолиси 10 млн. кишидан ортиқ 22 мегаполиси ичимлик суви танқислиги ва оқва тизимлар этишмаслигидан азият чекмоқда. Бир ойда ўртача 3785 литр сув буғланади ва бошқа сабаблар билан йўқ бўлиб бормоқда. Шу боис сувнинг, яъни ердаги оби ҳаётнинг бир томчиси, қатрасини увол қилмаслик, уни беҳуда сарфлашмаслик барчамизнинг зиммамиздаги улкан масъулиятдир.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ тайёрлади.

2016-yil 1-sentabr, № 70 (8927)

**ЁШ КАТТАРСА,  
МУАММО КИЧРАЯДИ**

Калифорния университети олимлари кекса ёшли инсонларнинг бахтиёрлик даражаси қачон юқори бўлишини аниқлади, деб ёзади "Global Science".

Тадқиқотга минглаб кўнгиллилар жалб этилиб, уларнинг шахсий ҳаётидан мамнулик даражаси, юзага келувчи

муаммоларни қай йўсинда ҳал қилиши, қўтилмаган вазиятлардан чиқиб кетиши борасида психологик тест ўтказилди. Унга кўра, 20—30 ёш оралиғида бўлган инсонлар депрессия, ички дунёсида бўлаётган ўзгаришлардан кўпроқ шикоят қилган. Бу борадаги энг ёмон натижа эса 45—55 ёшдаги кишиларда аниқланди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур даврда инсоннинг муаммолари ортади ва кишининг тушунлиққа тушиш эҳтимоли кучаяди.

Рухий ҳиссиётлар ва ёш ўртасидаги боғлиқлик вақт ўтгани сари ўзгаради. Яъни, ёшга ёш қўшилгани сайин инсоннинг ўзига бўлган ишончи ҳам ортади, натижада ҳаётини қийинчиликларни енгиб ўтиш оsonlashadi. Жуда кам ҳолатларда эса кекса ёшли инсонлар депрессияга тушади.

**АЙНИГАН МАҲСУЛОТЛАРДАН  
ГАЗ АЖРАТИБ ОЛИНАДИ**

Олимлар айниган маҳсулотлардан газ ажратиб олувчи махсус қурилмани ихтиро қилди, деб ёзади "Hi-News".

"HomeBiogas" деб номланган мазкур дастгоҳ кунига 4—8 литр газни ажратиб олади, бу эса газ плитасининг 2—4 соат давомида ёнишини таъминлайди. Махсус идишга оғирлиги тахминан 6 килограммга тенг бўлган овқат қоқдиқлари, хусусан, суг ва гўшт маҳсулотлари солинган, у ўз ишини бошлайди. Қурилма ташқи кўринишидан чиқинди қутисини эслатса ҳам, аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондиргани сабабли "сехргарлар



кутиси"га айланади. Шунингдек, табиий ресурсларнинг тежаллишига ҳам катта ҳисса қўшади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар бир оила бундай экоқурилмадан фойдаланса, йилга олти тонна карбонат ангидрид гази атроф-муҳитга ажралиб чиқмайди, чикиндилар ҳам камайди.



**БЕМОРНИ КОМАДАН  
ЧИҚАРИШНИНГ ОСОН УСУЛИ**

Шифокорлар беморни оғир беҳушлик ҳолатидан чиқариб олиш учун ультратовуш терапиядан самарали фойдаланди, деб ёзади "Science Advances".

Кома инсоннинг ҳаёт ва ўлим ўртасидаги ҳолатини аниқлатади. Бунда бемор ақлий фикрлаш қобилияти ва ташқи омилларга бўлган таъсирчанлигини йўқотади. Шу сабабдан Калифорния университети олимлари беморни оson йўл билан комадан чиқариш борасида тадқиқот олиб борди.



Бундай ҳолатда мияни фаоллаштириш учун ультратовушдан фойдаланилади. Гарчи мазкур йўналишдаги тадқиқотлар илк маротаба синовдан ўтказилаётган бўлса-да, усул ёрдамида оғир жароҳат олган бемор ҳаётга қайтарилди. Ультратовуш терапиясидан сўнг бемор гапира олмаган, бир неча кундан сўнг эса шифокорнинг қўл жестларига жавоб қайтарган. Психология ва нейрхирургия фанлари доктори Мартин Мотининг фикрича, бемор миясининг нейронлари фаоллаштирилади.

Тадқиқот ўзини оқласа, келажакда олимларнинг илмий изланишлари ихчам қурилма кўринишида тақдим этилади. Бунда беморнинг оғир беҳушлик ҳолатига тушгани аниқланган заҳоти қурилма ишга туширилиб, унинг ҳаёти зудлик билан сақлаб қолинади.

Ҳамида УСМОНОВА тайёрлади.



АҚШ Геология хизмати хабарига таяниб, "ТАСС"нинг маълум қилишича, Атлантика океанига тугатилган Вознесение оролида юз берган 7,4 магнитудали зилзиланинг ўчоғи 10 километр чуқурликда жойлашган, цунами хавфи мавжуд эмас экан.

Непалнинг Аргхакханчи туманида тоққа кўтарилаётган автомобилнинг орқа гилдираклари ёрилган, транспорт воситасининг жарликка қулаши оқибатида 10 киши воқеа қўрбонига айланган, олти нафар йўловчи эса жиддий жароҳат олган, деб маълум қилди "Новости".

Ҳиндистоннинг табиий офат оқибатларини бартараф этиш миллий бошқармасининг маълум қилишича, Бихар штати орқали оқибатга ўтувчи 6 та йирик дарё, жумладан, Ганг дарёси сатҳи муссон ёмғирлари туфайли кўтарилиши сабаб юзага келаётган тошқинлар 156 кишининг ҳаётига зомин бўлган, 1,4 миллион нафар аҳоли эса ўз мол-мулки ва тураржойидан айрилган, деб ёзади "Hindustan Times".

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

**Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти 2017 йил учун "Катта илмий ходим-изланувчилар институти"га қуйидаги ихтисосликлар бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- 13.00.01-Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент – 3та ўрин.
- 13.00.02-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича) – 3та ўрин.
- 13.00.06-Электрон таълим назарияси ва методикаси (таълим соҳалари ва бошқичлари бўйича) – 2та ўрин.

Катта илмий ходим-изланувчилик талабгорлар институтининг "Илмий педагог кадрлар тайёрлаш" бўлимига қуйидаги ҳужжатларини тақдим этадилар:

1. Ариза.
2. Маълумотнома.
3. Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси.
4. Олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки Ўзбекистон Республикаси Куролли Кўчлари академияси, Ички ишлар академияси ёки Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати таълим муассасасининг магистратура дипломига тенглаштирилган дипломи ёхуд фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси.
5. Тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маърузаси ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси(асоснома).
6. Илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларида фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.
7. Талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган

- тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси.
8. Етачки олимлардан бирининг уни илмий консултант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги.
  9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.
  10. Катта илмий ходим-изланувчи сифатида ўқиш учун қираётган шахслар Ўзбекистон тарихи, фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси, чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил бўйича) ва мутахассислик бўйича кириш имтиҳонларини топширадилар.

**Мустақил изланувчилик талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан институтининг "Илмий педагог кадрлар тайёрлаш" бўлимига мурожаат қилади:**

1. Иш жойидан тасвифнома.
  2. Маълумотнома.
  3. Олий маълумот тўғрисидаги ёки илмий даражаси ҳақидаги диплом нусхаси.
  4. Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси.
  5. Илмий ишлар, илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати.
  6. Мустақил изланувчилик бакалавр ёки магистр даражасига, фан номзоди илмий даражасига ёки олий ҳарбий маълумотга, магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий таълим тўғрисидаги дипломига, камида беш йил амалий иш стажига эга бўлган (ихтиро учун патентлар, эълон қилинган илмий материалларга эга бўлган, илмий-технологик ишланмаларда иштирок этган ва ҳоказо) белгиланган талабларга мувофиқ бўлган шахслар расмийлаштирилади.
- Ҳужжатлар 2016 йилнинг 15 октябридан 15 ноябригача қабул қилинади.**

Манзилимиз: 100027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 98-уй. ЎзПФИТИ.  
Телефон: (0-371) 140-02-26, (0-371) 227-45-67.

**Эътиборсиз бўлмайдик!**

Транспорт воситалари билан боғлиқ ёнгинларнинг сабаби таҳлил қилинганда, уларнинг аксарияти электр симларининг эскиргани ёки вақтида таъмирланмагани боис юзага келгани маълум бўлмоқда. Чиндан ҳам баъзи ҳайдовчиларимиз автоуловдаги электр симларига эътиборсизлик билан қараб, улардан фойдаланишда локайдликка йўл қўяди.

Таъмирлаш ҳолга келганига қарамадан, мутахассисга кўрсатишга ё вақтини қизғанади ёки бўлмаса, таъмирлашга кетадиган харажатни. Бироқ бу «тежамкор»лиги таъмирлашга кетадиган харажатдан ўн баробар кўпроқ чиқимга олиб келиши мумкинлигини ўйламайди. Бундан ташқари, кўпчилик ҳолларда ҳайдовчиларимиз автоулов карбюраторидан, унга уланган резина шланглардан оқайтган ёнилгига ҳам бефарқ қарайдилар. Баъзан уни ўзбилармонлик билан қўлбола қилиб таъмирлашга уринамиз. Бу ҳам, юқоридаги сингари, кичик харажатдан қочиб, каттасига замин яратишдан бошқа иш эмас. Оқибатда бир эмис, бир неча инсон ҳаётига хавф солувчи ёнгинларнинг содир бўлиши ачинарли ҳолдир.

Халқимизда «Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал» деган нақл бор. Бунинг маъносини англаган, ўзи ва атрофдагиларнинг ҳаётига бефарқ бўлмаган, ҳушёр ҳайдовчилар автоуловлар билан боғлиқ ёнгинлар келиб чиқишининг олдини олишга эътибор билан қарасалар салбий ҳолатлар камайишига эришган бўламиз.

**Нурбол МАМОНОВ,**  
Бектемир тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2003 йилда Нартаджиева Наргиза Нуруллаевна номига берилган В№127090 рақамли диплом йўқолганиги боис **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Республика таълим маркази раҳбарияти ва жамоаси марказнинг бош методисти Моҳира Рўзметовага онаси **Ўғилжон РЎЗМЕТОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

## Gurung

### Ватан деб уйфон...

Субхи содиқ. Ёқут ёзнинг осойишта, фарахбахш тонги отаётир. Бобоқўш азим тоғлар ортидан мўралаб, олтин кокилларини тарамоққа ошиқаётир. Зар замин самодан тушаётган нур толаларга бурканаётир. Борлиқнинг фусункор таровати қалбларга Ватан ишқини солаётир. Беихтиёр кўнглимга ўрнашиб қолган бир сатр тилимга тақор-тақор келади:

Субхи содиқ Ватан деб уйфон...

Уни кўшиқ қилиб, юмушларимни бажариб юраверман. Қизим, сўнгра ўғлим менга жүрөвөз бўлади.

Субхи содиқ Ватан деб уйфон...

Қизим бешиқда эркаланиб ётган набирамни суяди. "Шеър сизга ҳам ёқаптими, асалим? Қани Ва-тан денг-чи, Ватан денг, ўғлим!"

Кичкинтой талаффузини келиштиролмай, ва-ва дейди-

ю, дўмбоқ кўлчаларини узатиб, қиқирлаб кулади.

Ватан меҳри, ардоғи ҳамиша қалбимизда, юрак-юрагимизда бўлмоғи лозим. Ватандан-да жонбахш, Ватандан-да буюкроқ, Ватандан-да улуг'роқ, қудратли сўз йўқ бу ёруғ оламда. Кишини Ватан меҳри, эл-юрт эъзози улғайтиради. Зотан, уни қалбан сева олмаслик эса маънан мажруҳликдир.

Ох, болажон халқим! Биламан, еру кўкка ишонмайсан болаларингни! Ўзинг емасанг емайсанг, киймасанг киймайсанки, кичкинтойларингга илинасан. Бехос йиғлагудек бўлса, жонинг қийноқда, кулса сен ҳам жилмаясан. Етмиш яшар мўйсафид етти яшар набирасини суйиб сизлайди, қадиою бели букчайиб танасидан қувват кетган бўлса-да, уни елкасида опичлаб дунёларни кўрсатмоқ истаиди.

Мустақиллик болаларида хислат кўп, фазилат кўп! Уларнинг ўз келажагига ишончи, Ватанига бўлган кучли фах ва меҳр туйғуларини кўриб, дилингда қувонч, тилингда шукрона кечади.

— Ишдан келсам, набирам Лайло нима дейди денг, — Ёқутхон Исломова ҳайратини яширолмай гапириб берди, ўзи Марғилон шаҳрида тиш шифокори бўлиб ишлайди. — Бувижон, инглиз тилини биласизми? Нима дейишимни билмай ўйланиб турсам, майли хафа бўлманг, сизга ўзим ўргатаман, дейди. У ўқитувчи, мен эса ўқувчи бўлиб, машгулот бошладик.

— Good morning, grandmother! — деди набирам дона-дона қилиб. — Энди сиз!

Мен набирам изидан тақорлашга уриниб кўрдим, та-

лаффузим дағалроқ чқиди, шекилли, у жаранглаб кулиб юборди.

— Ие, бувижон, мен сизнинг бувингиз эмасман-ку? "Good morning, Laylo" дейишингиз керак эди. — Набирам билагонлик билан хатомни тўғрилади. Бу шунчалар ёқимли ҳис эканки...

Бешариқ қишлоқ хўжалиги коллежи директори Алишер Сотволдиевнинг сўзлари яна-ям самимий:

— Учинчи синфда ўқийдиган ўғлим Жасурбек мактабдан келдию, кийимларини ҳам ечмасдан, ховлимиз этағидаги боққа йўл олди, — дейди у. — Ҳа, болам, қаёққа, олдин чойингни ичиб олмайсанми, дедим унинг шахдини кўриб.

— Йўқ, дада, олдин кўчат экамит. Ҳар бир эккан кўча-

тимиз Ватанимиз тўйига тўёна бўлар экан. Устозимиз шундай деди.


Уша куни ўғлимнинг қистови билан боғимизнинг бўш жойларига мевали кўчатлар эдик, мўъжазгина боғимизни "ВАТАН" деб атадик.

Қаранг, етти ёшдан етмиш ёшгача барчанинг қалбида бунёдкорлик, ободлик ва озодлик нашидаси, хуррият хурсандчилиги. Оиласи, маҳалласи, боччаси, мактаби, шаҳару қишлоғи обод юртининг ҳамжиҳат одамлари!

Ҳа, бағрида болалари бахтиёр камол топаётган фаровон юртда яшашнинг ўзи бир бахт, ўзи бир неъмат, саодат. Зеро, бу дорилмомон кунларнинг хосияти кўп улуг' ва кутлуғдир. Кўнглимга ўрнашиб қолган мисра тилимга тагин кўчади:

Субхи содиқ Ватан деб уйфон...

Мастураҳон САИДМУРОДОВА



### Тонг чоғи...

Шеър ёзиб ўтирса тун чоғими, тонг — бир соя ойнани кесиб ўтаркан, шоирнинг илҳом қочиб кетаркан. Полнинг гичирига туриб ўрнидан, қоғоз-у қаламин чеккага суриб, аламин оламан деса соядан, аёли турибди боядан — гўдагин эмизиб, суйиб, эркалаб... Эрнинг шашти қайтиб, унутди шеърин, гўдак кўлчалари бунчалар ширин, камига кўзлари, пиш-пиш нафаси, ҳаволаниб кетар кўкрак қафасинг.

Уша дам тонг чоғи эди, афтидан, шоир билолмади уйқуси қочган. Гўдагин овутомқ учун бирор вақт, "Ватан" деб ёзилмиш муқовасига, ўзининг илҳомий китобин очган. Ўқиб бераётир зўр қофиялар, "...жон Ватан" юпатар ўғлин бу ора, келинчак нон ёпиб бўлмаган ҳали, тандирнинг бошида овора.

Шоир ўй суради гўдак кўзида: Ватан онамикан бешикка белаб, тебратган, овутган, аллалар айтган; ёки момоммикан бирор жой борса, рўмоли учиди қанд олиб қайтган. Эҳтимол, отамдир — елкадан тутиб кўтарган кўшнинг юзига, балки у бобомдир ўлиб манглайдан, насихат келади сўзидан.

Ватан не — тупроғинг, боғу роғингми ё пахтанг, бугдойинг, ризқингми, нонинг? Ватан ўтмишингми, бугунинг, эртанг? Нафасинг, нафасинг, нафасинг...

Нафас, нимадир у — жоннинг ҳавоси. Ватан, нимадир у — таннинг маъвоси. Ўшанда тонг чоғи эди, шубҳасиз...

Акмал ЖУМАМУРОДОВ

### Етказганига шукр!

Тонгда қуёш бобо дарахт шохларини нурлари билан авайлаб силаб, одамларни янги кун билан қўлаб уйготаркан, қушларнинг сеҳрли овози қулоққа хуш ёқади. Биз тушунмайдиган тилларида чуғурлашиб, "Тинч-фаровон диёрда қанот қоқиш завқ" деяётгандек бўлади. Дарахт япроқларининг шивир-шивирида ҳам осуда турмушимиз акси бор. Кўкка бўй чўзаётган дов-дарахт илдиллари эса "Биз бақувват заминдан куч олаятмиз, шунга орзуларимиз осмон" дея қувонаётгандек кўринади.

Кўшни хонадон эшигидан чиққан пари келинчак қўлидаги супургининг бир маромдаги овози, замин узра сепилаётган меҳр суви, димокни қитиқловчи тупроқ ҳиди юракка

аллақандай ҳиссиётлар уруғини қадайдди. Бу исни дунё мўъжизалари қаторига қўшсам дейман. Майин ҳид худдики, "Вужудингнинг исиман" деяётгандек.

Тонг салқинида ишга, юмушини саранжомлашга, кунидан барака излашга ошиққан одамларга равон манзиллар "Биз барига тайёрмиз", дея қучок очади гўё. Ёшлар-чи? Уларнинг ғайрат-шижоати, ўқтамлиги тезюрор поезд шиддатини эслатса, нигоҳларидеги собитлик Алпомишу Рустамхонларни ёдга солади. Баъзи пайтлари ўзим уларнинг тенгқурига, яна ёшликка қайтгим, бугуннинг имкониятларидан баравар фойдалангим келаверади. Билсангиз, одамнинг имкониятлари, бор истеъдоду иқтидори хотир-

жамлигида, тинч-фаровон осмон остида яшаётганида ўзини кўрсатади.

Ҳар доим ҳаётнинг ижобий томонларидан завқ олишга, ёмон тарафларидан ҳам хулосалар чиқаришга одатланганман. Эҳтимол, сизга эриш туолар, лекин кўпинча оқ яқтакли дехқоннинг кетмонида нур, чўпоннинг "қурей-қурей"сида таскин, новвойнинг ширмой нонида барака, кўм-кўк бедапоёда сокинлик, чиллак ўйнаётган болакай табассумида ҳаётга муҳаббатни кўраман, улардан яшашни ўрганаман, кўнглимга юпанч бераман. Балки мақсадларимиз бирлиги, фарзандларимиз камоли, юртимиз фаровонлиги бизни бирлаштириб турар... Энг муҳими, етказганига, ризқлантирганига шукр!

Дилбар НОРМУРОДОВА

Термиз шаҳри

### Тинч элнинг боғи гуллар

Алишер НАВОЙИ

Элга қўшулгон эш топти.

\*\*\*

Ватан таркини бир нафас айлама,

Яна ранжи гурбат ҳавас айлама.

\*\*\*

Ҳар кишварнинг оройишини ва ҳар манзилнинг осойишини сафар аҳлидин сўр ва мусофирдин кўр. Сафар қилмагон ором фароғатин қайда билсун ва гурбат чекмаган ватанда ком рафоҳиятин не навъ маълум қилсун...

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

Ватандин яхши ёр ўлмас...

\*\*\*

Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши, Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши. Кўнгулум бу ғариблиқда шод ўлмади, ох, Гурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

Жалолиддин РУМИЙ

Гар истар эсанг, ҳамиша хуррам бўлсанг,

Етса қадамнинг қайга, муқаррам бўлсанг,

Пок бўл-у, ҳалол яша-ю, илм ўргангил,

То тожи башар, ҳазрати Одам бўлсанг!

### Ўзбек халқ мақоллари

Осойишталик — энг яхши малҳам.

\*\*\*

- Тинчлигинг — хурлигинг.
- Тинчлик — бахт, соғлик — тахт.
- Тинчлик билан эл кўқарар, Ёмғир билан — ер.

\*\*\*

- Эл омон — яхши замон.
- Юрти тинчнинг — эли тинч. Элинг омон бўлса — сен омон.

2016-yil 1-sentabr, № 70 (8927)

**Биринчи бор Хасанбой Дўстматов туғилиб ўсган уйга 2013 йили Россиянинг Қозон шаҳрида бўлиб ўтган Универсиадада қатнашганда боргандик. Иккинчи марта эса яқинда, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари финалда рингга кўтарилаганида бордик. Тумонат одам — ҳаммамиз Хасанбойни гойибона қўллаб турдик. Шукрки, у юзмизни ёруғ қилиб, олтин медаль соҳиби бўлди.**

Учинчи марта эса олимпиада чемпиони Андижонга қайтгач бордик ва оила аъзолари билан бирга табрик-ладик. Фураатдан фойдаланиб, отаси Маъруфжон билан ўғлининг бундай юксак маррани забт этганига қадар босиб ўтган йўли хусусида икки оғиз суҳбатлашдик.

Хасанбой бокс билан шуғулланишдан, ўз устидан изланишдан ҳеч эрин-

бига олиб боринг! дер, кўзида катта спортчиларда бўлганидек шиддат, иштиёқ ёниб турарди.


2007 йил. Халққа қўшилиб юрганидан, пасту баландни билган бувиси 12 ёшли набираси раёини қайтармай, Андижон шаҳридаги спорт мактабига етаклаб борди. Афсуски, ўқувчиларни қабул қилиш белгиланган муддати тугаб бўлган экан. Йўл бо-

— Агар шу болани мактабга қабул қилсак, у яқинда ўтказиладиган Ўзбекистон чемпионатида голиб бўлади, — деб юборди. — Агар шундай бўлмаса, мен бошқа бу соҳада ишламайман.

Тажрибали мураббийдан бундай дангалликни кутмаган, аммо унча-мунчага ишонч билдирмайдиган ходимнинг икромидан раҳбар ҳушёр тортиди.

— Келишдик, — деди директор унинг озига қараб турган Хасанбойга ишора қилиб. — Ҳужжатларини қабул қилинг. Камида кумуш медаль олиб келмаса, болакай ўқишдан, сиз эса ишдан кетасиз.

Шундай қилиб, Хасанбой мактабда қолди. Аммо бу илтифот ортида қанча



дан, яна бобою бувиси, онасидан тинглаш мароқли, албатта. Шу ўринда, чемпион ўсиб-улгайган оила ҳақида ҳам тўхталсак. Бобоси Дўстматов ота 76, бувиси Буйошахон она 66 ёшда. Хасанбой уларнинг энг катта фарзанди — Маъруфжоннинг тўнғичи. Оилада Хасанбой билан бирга Исломбек, Фарёзбек исмли ўғлонлар камолга етмоқда. Аналари Дилнозахон Хайитбоева мактабда болангич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади.

Бугун одамларнинг «Қаранг, оддий деhqоннинг боласидан ҳам элга доврүк солган боксчи етишиб чиқди. Бунга қувонмай бўладими?» деган гап-сўзлар, чапани эътирофларини эшитиб, Дўстматов отанинг кўзида қувонч ва шукрона ёшлари пайдо бўлади. Ўзини ёшаргандек ҳис этади.

**Орифжон СИДДИҚОВ,**  
«Ma'rifat» мухбири

## Ўз сўзида турган ўғлон

мади. Машғулотлардаги қийинчиликлар, кичик жароҳатлар, ҳатто мағлубиятлар ҳам уни мақсади сари дадил боришдан қайтаролмади. 5 ёшидан ўзи туғилиб ўсган Қулла қишлоғида спорт устаси Алимардон Зуфаров очган каратэ ва кикбоксинг тўғрисида қатнади. 9-умумий ўрта таълим мактабда 6-синфда ўқийётганида Алимардон Хасанбойнинг ота-онаси билан учрашиб, энди фарзанди бошқа жойда шуғулланиши кераклигини, маҳалладаги тўғарақда ўргатилаётган кураш сир-асрорини у аллақачон ўрганиб олганини айтди ҳамда гап орасида уни бокс тўғрисида бериш лозимлигини ҳам «қистириб» кетди. Қолаверса, Хасанбойнинг ўзи ҳам кунора бувиси Буйошахон онага «Мени спорт макта-

сиб келгани ҳурмати таълим муассасаси раҳбари тажрибали мураббий Зиёвуддин Тойғанбоевни қақриб, болани бир синаб кўринг, деди.

3.Тойғанбоев мактабдаги энг ишончли шогирди билан Хасанбойни рингга чиқаради. Худди киноларда бўлганидек, Хасанбой кучли рақибни қисқа вақтда мағлуб этади. Жусаси кичик бўлса ҳам мушти бақувват болакайнинг хатти-ҳаракати, энчилик билан зарбаларга чап бериши мураббийни ҳайрон қолдиради. У нима қилиб бўлса-да, Хасанбойни мактабда олиб қолиш кераклигини раҳбарга айтди. Мактаб директори мураббийнинг бирдан рози бўлганига бироз ранжигандек бўлади. Буни сезган Зиёвуддин:

машаққату қийинчиликлар турганини у кейин билди. Машқлар кўпайди, қийинлашди, бетиним ишлашга тўғри келди. Бирок у чекинмади, чидади, сабр қилди, кўз ёшларини ичига ютди. Бу беиз кетмади. Йил яқинда Ўзбекистон чемпиони бўлиб, ўзининг ҳам, устозининг ҳам юзини ёруғ қилди.

Мактабдан сўнг, таҳсилни коллежда давом эттирди. Спортдаги муваффақиятлари туғайли Андижон давлат университетида имтиёзли қабул қилинди. Университетда ҳам кимлигини ҳаммага кўрсатиб қўйди — Қозон шаҳрида ўтган бутунжаҳон талабалар университетида олтин медални қўлга киритди.

Ана шундай қисқа, аммо салмоқли кунлар тасвирини боксчининг отаси-

**XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг бокс мусобақаларида кашф этилган янги номлар ҳақида гап борганда, шубҳасиз, умидли ўзбек ўғлони Шаҳрам Гиёсов ҳам тилга олинади.**

Ўзининг тетик руҳи ва метин иродаси, ишончли харақатлари билан вазири 69 килограмгача бўлган спортчилар орасида яққол ажралиб турган спортчиликни ҳатто хорижлик спорт шарҳловчилари ҳам «кумуш медаль олдирган ЧЕМПИОН» дея эътироф

шим керак». Отаси Жамшид Гиёсов ҳам бир пайтлар бокс билан шуғулланган. Аммо унинг орзулари, чемпион-



## Ватанпарварлик галабага элтади

этишди. Чиндан ҳам, Шаҳрам финалга қадар жуда чиройли учрашувлар ўтказди. Айниқса, Лондон олимпиадаси голиби, кубалик Рониель Иглесиасни ва амалдаги жаҳон чемпиони мароқашлик Муҳаммад Рабиини доғда қолдиргани бокс мусобақаларини беэзади.

Хўш, у бундай муваффақиятга қандай эришди? Бу ишонч ва иродани қаердан олди? Кимдир маҳорати, ўзига хос тактика ва техникаси, кимдир Худо берган иқтидори ҳақида, яна кимдир ота-онаси, устозларининг меҳнати шундай ютуқларга эришишига сабаб бўлгани тўғрисида сўзлайди. Ҳа, буларсиз спортчи кўзланган мақсадига эришолмайди. Лекин ҳар қандай муваффақият замирида бир омил борки, буни унутиб бўлмайди. Бу — Истиклол берган бемисл имкониятлар, шарт-шароитлар.

Ўзбекистон ифтихорининг оила аъзолари Бухоро шаҳридаги «Бухоро тарихи» китобини ёзган аллома Муҳаммад Наршахий номидаги маҳаллада яшайди. Шаҳрам эсини танибдики, буни доимо ёдида тутайди: «Боболаримга муносиб авлод бўли-

лик ҳақидаги ўй-хаёллари хаёллигича қолди. Бирок Жамшид ака ўз орзусини фарзанди тақдирига ҳам кўчирди. 12 ёшли Шаҳрамнинг келажақда катта боксчи бўлишига умид қилиб, Бухоро шаҳридаги ихтисослаштирилган спорт мактаб-интернатига етаклади.

Икки қарра жаҳон чемпиони Аббос Атоевни кашф қилган, тарбиялаган мураббий Олим Муҳаммедов харақатлари футболчиларни эслатиб юборадиган Шаҳрамда ноодати иқтидор борлигини тезда пайқайди. Кейинчалик Шаҳрам Бухоро олимпиада футболчиларни эслатиб юборадиган Шаҳрамда ноодати иқтидор борлигини тезда пайқайди. Кейинчалик Шаҳрам Бухоро олимпиада футболчиларни эслатиб юборадиган Шаҳрамда ноодати иқтидор борлигини тезда пайқайди.

Қолаверса, Шаҳрамнинг 76 ёшли бобоси Абдулла ота Гиёсовнинг ўзи ҳам ёшлигидан спорт билан фаол шуғулланган экан. Мустақилликнинг жонажон Ўзбекистонимиз учун қандай бебахо неъмат эканини у ўзининг ёшлиги мисолида теран англайди, набираларини

бугунги дориломон кунларнинг қадрига етишга чорлайди.

Шаҳрам Гиёсов байрогимизни хонасига чиройли қилиб олиб қўйган. Муҳим мусобақалар арафасида миллий тимсолимизга узоқ тикилиб ўтириб, рўҳий қувват олади. Шунингдек, у ҳар гал рақибини енгганида кийимиде акс эттирилган Ўзбекистон байрогини ўлади, кўзига суртади ва албатта, шу тимсолни гуруру ва ифтихор билан дунёга намойиш этади.

— Биз бундан ҳам улкан ютуқларни қўлга кирита оламиз, — деди XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари кумуш медали соҳиби Шаҳрам Гиёсов. — Муҳтарам Юртбошимизнинг, халқимизнинг бундай юксак эътибори ва ғамхўрлиги келажақда янада улкан марраларни забт этишимизга куч-қувват бағишлайди.

Ҳа, азму шижоатда қатъий, қалби юрт меҳри билан ураётган Шаҳрам Гиёсовдан янада улкан ютуқлар кутмишга асосимиз бор. Унга келгуси мусобақаларда ҳам омад ёр бўлишини тилаймиз.

## Болалик орзуси улгайтирган полвон

**Саккиз ёшли бола катта синф ўқувчиларидан бирига мактаб директори ҳамманинг олдига фахрий ёрлиқ топширганини кўриб, ич-ичидан ҳавас қилди. Ахир уни йилгиларнинг барчаси, ҳатто ўқитувчилар, ота-оналар ҳам қарсақ чалиб оққишади. Шу бўлиб, эндигина 2-синфга ўтган жажжи болакай қалбидо орзулар тугилди: «Бир кун мени ҳам ютуқлар билан табриклар, гуллар беришади. Ушунда гулларни ота-онамга олиб бориб, хурсанд қиламан».**

Бу йилги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясига илк медални келтирган полвонимиз, 60 кг.гача вазн тоифасида курашган дзюдочимиз Диёрбек Ўрозбоев шохсупага кўтариларкан, мактабда ўз-ўзига берган ваъдасини эс-лади. Кейин қутлаётган ота-онасини, устозларини ўйлади. Мамлакатимиз ёшлари куч ва салоҳиятда, истеъдод ва маҳоратда ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаглигини яна бир бор исботлаб, халқимиз, Президентимиз ишончини оқлаганидан шодланди. Ана шундай ширин хаёллар билан бир нафас ростиларкан, елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Енгил тортиди. Унинг «қўли енгил» келди: бирин-кетин медаллар юта бошладик.

Ҳа, кураги ерга темаган алплар ўлкаси — Хоразм вилоятида туғилиб ўсган Диёрбек болалигидан спортчи бўлиш, спортчи бўлганда ҳам чемпион бўлиш ҳақида ўйларди. Мактабда яхши ўқиш билан бирга, дзюдо тўғрисида фаол қатнашиб, кичик турнирларда бир неча бор галаба қозонди. Отаси Бахтиёр ака унинг интилишларини кўриб, Урганч олимпиада захиралари коллежига олиб борди. Боладаги интилиш ва шижоат имтиҳондан ўтказайтган мураббийларга маъқул келди. Диёрбек айна кунларда устози Жамшид Худойберганов қўл остида том манода дзюдо устаси бўлиб етишди.



Бугун ўғлининг ютуқларидан Норгул Авазова ҳам беҳад мамнун. Қобил фарзандининг ортидан маҳаллада, элу юрт ичидо хурмат-эътибор қозонди. Ҳатто қўшнилари «Ўғил кўрсам, исмини Диёрбек қўяман», дейишганида, Норгул ота севинчдан кўз ёшларини тийламади.

— Олимпия шохсупасида бир қувонган бўлсам, юртга қайтиб, давлатимиз ва халқимиз томонидан шунча иззат-ҳурмат кўрганида икки қарра севиндим, — деди Диёрбек. — Ҳаммаси учун раҳмат. Шукрки, Олимпиада бутун терма жамоамиз учун омадли бўлди. Бу, албатта, мустакиллигимиз шарофати, халқимизнинг меҳр-эътибори, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши самарасидир.


Мустақиллик фарзанди Диёрбек Ўрозбоевга яна улкан муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз. Уни олдинда Олимпиаданинг олтин медаллари кутиб турганига шубҳа йўқ.

**Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.**



## ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Инсонга наф келтиришни олий бахт деб билган Касаба уюшмалари жамоалари Мустақил Ватанимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари, таълим, фан ва маданият соҳасида меҳнат қилаётган юртдошларимизни, мамлакатимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар ва сайёҳларни, энг улуғ, энг азиз айём арафасида мамлакатимиз шаънини юксалтирган, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари ғолибларини ва барча спортчиларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади! Сиз азизларни, ушбу айём билан қутлар эканмиз, ҳар бир оиллага тинчлик-хотиржамлик, файз-барака тилаб, энг самимий тилакларимизни йўллаймиз!



ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ МУБОРАК БЎЛСИН!

### Ma'rifat

ТА'СИ  
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,  
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus  
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон  
Та'лим, фан ва маданият  
xodimlari kasaba uyushmasi  
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida  
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Indeks: 149, 150. F-924. Tiraji 35791.  
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;  
kotihiyat — 233-99-15;  
reklama va marketing bo'limi —  
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat» dan  
materiallarni ko'chirib  
bosish tahririyat ruxsati  
bilan amalga oshirilishi  
shart.

Tahririyatga kelgan  
qo'lyozmalar taqriz  
qilinmaydi va muallifga  
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.  
Navbachi muharrir:  
Hasan MO'MINOV.  
Navbachi:  
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'za yakuni — 20.40 Topshirildi — 21.15

1 3 4 5 6